Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

1990 йил 30 январь
СЕШАНБА
№ 25 (4.819).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

МАМЛАКАТ ЎТГАН ЙИЛДА

СССР Статистика давлат комитетининг 1989 йилда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тўғрисидаги ахбороти эълон қилинди. Ахборотда таъкидланадики, ўтган йили иқтисодиётни структуравий қайта қуришга, унинг ижтимоий йўналишини кучайтиришга ва молиявий соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан илдам суръатга эришди. Мудофаа саноати конверсияси бошланди. Социал соҳага маблағ сарфлашга кўпроқ аҳамият берилди. Халқ фаровонлигини юксалтириш йиллик марказлаштирилган тадбирлари амалга оширилди. Пенсияларнинг энг кам миқдори кўпайтирилди.

Ўтган йили ялпи миллий даромад (нарх-навонинг амалда ўзгариши таъсирини ҳисобга олмаганда) 3 процент, ҳосил қилинган миллий даромад — 2,4 процент, ижтимоий меҳнат унумдорлиги — 2,3 процент ўсишига эришилди. Хўжалик юритишнинг янги шаклларини қўлланиш кенгаймоқда. Ўтган йил охирида 1332 саноат корхонаси, 731 қурилиш ташкилоти, 4911 колхоз ва совхоз, 988 чакана савдо корхонаси, 1043 жамоат овқатланиши корхонаси, 138 аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхонаси ва бир қатор бошқа корхоналар ижара пудратида ишлади.

Шу билан бирга мамлакатда иқтисодий вазият мураккаблигича қолмоқда. Истеъмол бозорида кескинлик кучайди. Иқтисодиёт ривожланишида барқарорлик пасайди. Халқ хўжалигини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш йиллик плани кўпгина энг муҳим кўрсаткичлар бўйича бажарилмади. Давлат ички қарзи 400 миллиард сўмга яқинлашиб қолди. Муомалага пул чиқариш 1988 йил даражасидан 56 процент юқори бўлди ва 18 миллиард сўмдан кўпроқни ташкил этди.

Истеъмол товарлари нархи ва пулли хизмат ҳақининг амалдаги ўсиши 1988 йилдагига нисбатан 2 процентни ташкил этди. Қондирилмаган талабнинг кўпайганлигини ҳисобга олганда истеъмол секторида пулнинг қадрсизланиши миқёси 7,3 процентга етди.

1990 йил бошида СССР аҳолиси сони 288,8 миллион кишини ташкил этди. Халқ хўжалигида 139 миллион киши ишлади. Меҳнатга лаёқатли жами аҳолидан қарийб 13 миллион киши жамоат ишлаб чиқаришида банд эмас. Ортиқча меҳнат ресурслари мавжуд бўлгани ҳолда бир қанча корхоналарда иш ўринлари тўлдирилмай қолмоқда.

Халқ хўжалигининг барча тармоқларида меҳнат интизоми ёмонлашди, прогул, бўш туриб қолиш ҳоллари кўпайди, кадрлар қўнимсизлиги ортди. Ўтган йили забастовкалар оқибатида 7 миллиондан кўпроқ одам-куни қўлдан бой берилди.

Халқ хўжалигидаги ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 1988 йилдаги 220 сўм ўрнига 1989 йилда 240 сўмни, колхозчилар меҳнатига ҳақ тўлаш эса 182 сўм ўрнига 196 сўмни ташкил этди. Аҳоли ижтимоий истеъмол фондларидан 187 миллиард сўмлик тўлов ва имтиёзлар олди. Бу 1988 йилдагига нисбатан 11,6 миллиард сўм кўпдир. Уларни пул билан тўлаш қарийб 50 процентни ташкил этди.

Ўтган йили умумий саҳни 128,1 миллион квадрат метр бўлган 2,2 миллионта квартира қурилди. Шу беш йиллик мобайнида биринчи марта умуман мамлакат бўйича уй-жойни фойдаланишга топшириш плани бажарилмади. Аввалги йилдагига нисбатан 4,3 миллион квадрат метр кам уй-жой қурилди.

1989 йилда саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши 1,7 процент бўлди, бунда саноат «Б» группаси маҳсулотининг ўсиши 4,8 процент, «А» группаси маҳсулоти ўсиши — 0,7 процентни ташкил этди.

Деҳқончилик саноати комплекси маҳсулотининг умумий ҳажми таққослама нархларда 475 миллиард сўмлик бўлди ва 1988 йилдагига нисбатан 1,9 процент кўпайди. Қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотининг кўзда тутилган ўсишига эришилмади. Жамоат қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги йил давомида меҳнатчилар сони 0,7 миллион кишига камайгани ҳолда 5 процентни ташкил этди. 1989 йилда колхозлар ва совхозлар 45 миллиард сўмликдан кўпроқ фойда олдилар, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши рентабеллиги 31 процентни ташкил этди. Зиён кўриб ишлайдиган хўжаликлар камайди.

Дон, картошка, кунгабоқар етиштириш кўпайди, қанд лавлагидан мўл ҳосил йиғиштириб олинди. Шу билан бирга 1988 йилдагига нисбатан сабзавот, узум ва пахта кам олинди. Давлатга дон ресурсларига 59 миллион тонна, ёки давлат буюртмасида кўзда тутилганидан 27,3 миллион тонна кам дон топширилди. Умуминттифоқ фондига 1989 йилда гўшт ва гўшт маҳсулотлари етказиб бериш плани 95 процент, сут ва сут маҳсулотлари етказиб бериш плани — 99 процент бажарилди.

Ўтган йили қишлоқ хўжалиги тракторлар, трактор культиваторлари, тупроққа минерал ва қаттиқ органик ўғитлар солиб берадиган машиналарни, силос ва озуқа йиғиб берадиган комбайнларни, сут соғиш қурилмалари ва пахта териш машиналарини 1988 йилдагига нисбатан кам олди.

Деҳқончилик саноати комплексини, шу жумладан қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминловчи тармоқларни ривожлантиришга пул билан таъминлаш барча манбалари ҳисобига қарийб 67 миллиард сўмлик капитал маблағ сарфланди. Бу халқ хўжалиги бўйича жами капитал маблағнинг 31 процентини ташкил этади.

СССР Статистика давлат комитетининг ахборотида таъкидланадики, 1990 йилда СССРни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш давлат плани ва СССР давлат бюджетидан келиб чиқадиган вазифалар барча меҳнат коллективларининг кўпроқ натижа билан ишлашини талаб қилади. Виждонан қилинадиган юқори унумли меҳнатгина 1990 йилги тиғиз топшириқларни муваффақиятли бажариш ва ўн учинчи беш йилликда мамлакатнинг самарали ривожланиши учун моддий шарт-шароитларни вужудга келтириш гарови бўла олади.

(ТАСС).

Ш. АЛИМОВ олган сурат. (ЎзТАГ)

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

НАМАНГАН, 29 январь. (ЎзТАГ). Бугун Наманган область партия-хўжалик фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда халқ хўжалиги тармоқларининг 1989 йилги иш якунлари ҳамда 1990 йил ва умуман беш йиллик планларини бажариш юзасидан партия, совет ва хўжалик органларининг вазифалари муҳокама қилинди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси М. И. Иброҳимов нутқ сўзлади.

Йиғилиш ишида Наманган область партия комитетининг биринчи секретари Б. А. Алламуродов иштирок этди.

* * *

ЖИЗЗАХ, 29 январь. (ЎзТАГ). Сирдарё области партия-хўжалик фаолларининг кеча бўлиб ўтган йиғилишида 1989 йилги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт якунлари ва янги иқтисодий усуллардан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда партия, совет ва хўжалик идораларининг бу йилги вазифалари кўриб чиқилди.

Йиғилишда Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари А. Ф. Клепиков нутқ сўзлади.

БУХОРО ОБЛАСТИ. Вобкент районидаги «Пахтакор» колхозидан Отақул Тўхтаев областда биринчилардан бўлиб фермер хўжалигини йўлга қўйди. У ўтган йил якунларига кўра 14 минг сўм фойда олди. О. Тўхтаев қарамоғида 12 бош сигир ва 10 бош бузоқ бор. Колхоз унга озуқа етиштириш учун 3 гектар ер ажратди, етарли уруғлик ва техника воситаси билан таъминлади. Самара қувончли бўлди: Тўхтаев давлатга 16 тонна сут, 4 тонна гўшт топширди.

ХАЛҚ ҲАҚИҚАТНИ БИЛМОҒИ ЗАРУР

СССР прокуратурасининг Т. Гдлян бошлиқ тергов группаси фаолияти билан боғлиқ материалларни текшириш юзасидан СССР халқ депутатлари съезди комиссияси аъзолари «Қишлоқ ҳақиқати» мухбири саволларига жавоб берадилар

СССР халқ депутатлари — комиссия ҳамранси Вениамин Александрович ЯРИН, комиссиянинг яна бир ҳамранси Николай Алексеевич СТРУКОВ, комиссия аъзолари Валерий Григорьевич АЛЕКСАНДРИН ва Владимир Тўйчиевич ОДИЛОВ Ўзбекистонда олиб борилган ишларни якунладилар.

Комиссиянинг расмий экспертлари — Тошкент область прокуратурасининг бош терговчиси Аҳрор Худоёрович РАҲМОНҚУЛОВ, Ўзбекистон ССР Олий суди бўлимининг бошлиғи Михаил Яковлевич АВРУКИН уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатдилар.

— Комиссиянинг ҳурматли аъзолари ва муҳтарам экспертлар! Бутун Ўзбекистон халқлари сизнинг комиссиянгиз чиқарадиган узил-кесил якунларни орзиқиб кутмоқда десам, хато қилмаган бўламан. Гдлян гуруҳи терговчилари ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза этувчи маҳаллий органлар «пахта иши» даврида республикада йўл қўйган қонунбузарлик ҳаммани жиддий ташвишлантирди, бу масалада лоқайд кузатувчи йўқ эди. Айтинг-чи, комиссия ўз ишини қачон якунлайдию, унинг натижалари ҳақида СССР Олий Советига қачон ҳисоб беради!

Ярин: Халқ депутатлари иккинчи съезди қарорида таъкидланганидек, комиссия СССР Олий Советининг яқин орада чақириладиган сессиясида бу хусусда Олий Советга узил-кесил натижани тақдим этиши керак. Бу воқеа учинчи сессияда рўй беради деб ўйлайман.

Струков: Далилларни тўплаш, текшириш, таҳлил қилиш жараёни жадал бормоқда. Вениамин Александровичнинг фикрига қўшилиб учинчи сессияга якунловчи ҳужжат тайёрланади, унда Гдлян гуруҳи фаолиятига, ҳали сиз айтганингиздек «пахта иши» даврига сиёсий баҳо берилади, дейиш мумкин.

— Сизларнинг Ўзбекистонга келишларингиздан мақсад нима? Гдлян гуруҳи терговчилари қўлидан ўтган у ёки бу жиноий ишларни ўрганишми ёки аллақандай етишмовчилик, англашилмовчиликларни аниқлашми?

Ярин: Комиссия аъзолари барча жиноий ишларни ўзларича таҳлил этишга қодир эмас. Аслида уларнинг олдига бундай вазифа қўйилгани ҳам йўқ. Мураккаб бу ишни бажариш комиссиямизга жалб этилган экспертлар зиммасига юкланган бўлиб, улар ҳар бир жиноий иш бўйича бизга ўз хулосаларини тақдим этадилар. Табиийки, комиссия аъзолари ҳам бу тадбирдан бош тортмайдилар ва ғоят жанжалли баъзи материалларни бевосита ўрганадилар.

Республика халқини, унинг турмуш тарзи ва шароитларини, анъаналари ва урф-одатларини ўрганиш, шунингдек, жабрдидалар фикрини ўрганиш — ташрифимиздан кузатилган мақсад асосан ана шулар. Жиноий ишлар нақадар кўпжилдли бўлмасин, халқнинг табиати ва қалбини очиб кўрсатолмайди. Бу жилдлар жиноятни содир этганларнинг хира томонларинигина ўзида акс эттирган. Жиноятчиларнинг қилмишларига қараб халқ ҳақида ҳукм чиқариш бемаъниликнинг ўзгинасидир. Гдлян худди ана шундай йўл тутганди. Ҳа, комиссия аъзолари Гдлян гуруҳи томонидан Ўзбекистоннинг бутун халқига ҳақоратомуз айблар қўйганини, ёрлиқлар тақканини, бу ерда ҳамма ўғри, порахўр, талон-торож этувчи қабилидаги сўзларни ишлатганлигини эсдан чиқарганлари йўқ. Биз «Ўзбекистон — тергов усуллари тажрибадан ўтказиладиган майдон», «тергов гуруҳининг шарқий фронти» каби сўз бирикмаларини ҳам хотирдан кеткизган эмасмиз. Бошқа шаклу шамойилдаги шармандаларча жирканчликлар ҳам ёдимизда турибди. Худди шунинг учун халқ билан танишишга қарор қилгандик.

Биз Тошкентда, Қорақалпоғистонда, Хоразм областида ишладик, колхозларда, хароб қишлоқларда бўлдик, оддий меҳнаткашларнинг хонадонларига бош суқдик, уларнинг турмуши, ҳаёт тарзи ва даражасини ўргандик. Виждонан айтадиган бўлсак, кўрганларимиз томирдаги қонимизни музлатиб юборди. Қишлоқликларнинг ўтакетган қашшоқлигидан кўзларимиз олди қоронғилашди, лолу ҳайрон бўлиб қолдик. Пахта яккаҳокимлиги деб номланган даҳшатли дард ҳамма нарсани — одамларнинг соғлиги ва ҳаётини, болаларнинг бахти ва қувончини емириб ташлади. Энг баланд нуқтага кўтарилган гўдаклар ўлими-чи!

Буларнинг барига гадоларча иш ҳақи боис. Биз қонунбузарлик оқибатида азият чеккан оилаларда бўлдик. Ҳар бирида 7—8, айримларида 10—13 нафар бола бор. Бу хонадонлар ой давомида ишлаб олинадиган 100—150 сўм, кўп деганда 200 сўм ҳисобига яшайдилар. Деҳқон бундай аҳволда қандай кун кўриши мумкин. Мебель қаёқда дейсиз — олти болакай битта ёғоч каравотда юпқа тўшакда ётади... Бу хусусда, яъни кўрганларимиз ҳақида бировларга, масалан, москваликларга сўзлаб берадиган бўлсак, бизга ишонмасликлари эҳтимолдан узоқ эмас. Ўзини олий табақадаги зиёли деб ҳисобловчи Тельман Хоренович эса ўзбекларнинг баднафсликлари, жиноят оламига гурас-гурас кириб кетганликлари тўғрисида бутун мамлакатга, жумлаи жаҳонга жар солиб юрибди. Уятсизликнинг ўзгинаси бу!

Александрин: Гдлян ва унинг шериклари қишлоқ аҳлининг, пахтакорларнинг турмуш даражасини кўргандилар, одамлар узунни узиб, калтани чўзиб яшаётганликларини билардилар-ку, ахир! Кечиримсиз, деҳқоннинг уйида кўрпатўшакдан бошқа ҳеч ваҳо йўқ. Камбағаллик кишиларнинг гирибонидан маҳкам тутган. Ана шундай сабр-қаноатли, чидамли халқ шаънига «ўғри», «талончи», «порахўр» сингари ҳақоратомуз сўзларни ишлатиш, менинг фикримча, маънавий қашшоқлик, сурбетликдан бошқа нарса эмас.

Мен сизнинг ўлкангизда биринчи бор бўлишим, лекин ўзбекистонликларни шу қадар севиб қолдимки, асти кўяверинг! Бирор киши қаҳру ғазабини тўкиб сочмади, ножўя сўз айтмади, оғир-вазминлик билан муомала қилди. Одамлар ўз қайғу-аламларини, етилган муаммоларини дастурхон устида мардларча изҳор этдилар. Ана шундай тантн халқни бир тўда, айтайлик юэта, бирингки минтга олий мартабали ўғри каззоб касрига ҳақоратлаш мумкинми? Гдлян эса меҳнаткаш оилаларни аёвсизларча қатаган қилди, терисини шилиш даражасига етди...

— Сиз, Николай Алексеевич, тажрибали юристсиз, кўп воқеа-ҳодисалар гувоҳи бўлгансиз. Бугунги кунда, яъни Гдлян гуруҳи фаолиятини текшириш жараёнида шундай манзарага дуч келдингизки, одамнинг тепа сочи тик туриб кетиши мумкин. Комиссиянинг барча аъзолари бу хусусда ўз фикрларини билдирсалар, беҳад миннатдор бўлардим.

Струков: Ҳа, кўп йиллик тергов тажрибасига эгаман, Шубҳасизки, ғоят даҳшатли жиноятларга, қонунбузарликларга дуч келганман. Бироқ мажкур комиссияда ишларканман, Гдлян гуруҳи йўл қўйган суиистеъмолликлар, ўзбошимчаликлар миқёси ва ҳажми мени лол қолдирди. Буларни ўйласам чиндан ҳам тепа сочим тик бўлади.

Ярин: Рўй берган ғайриинсонийликдан ҳақиқатдан ҳам юрак-бағринг эзилади. Терговчилар жабру зулми оқибатида кўзлари кўр бўлиб қолган одамнинг сўзларини тингларкансан, уни нақадар қийнаганликлари хусусида ҳикоя қилишдек жасоратни қандай қилиб қўлдан бой бермаганлигига ҳайрон бўласан. Отасини қонунга хилоф равишда ҳибсга олишгач, онаси эса қайғу алам доғида ҳаётдан кўз юмгач ўн яшар бола укалари ва сингилларининг ягона боқувчиси сифатида қолганлигини билганимда дод деб юборишимга оз қолди.

Одилов: «Оммавий террор» ва «кичик геноцид» — бу ибораларни Гдлян иккинчи съезд минбарида туриб депутатлар олдида, бутун мамлакат кўзи ўнгида уялмай-нетмай ишлатди. Афсуски, унинг бундай баҳоланиши ҳақиқатга мос тушади. У қўлланган иборалар мазмунидан чиқадиган хулоса битта: Гдлян унинг группаси ва республикадаги прокуратура органлари «пахта иши» ва бошқа жиноий ишлар тергови пайтида қанақа қонунбузарликларга йўл қўйишганини аниқ ҳис этган. Терговчиларнинг фаолиятига террор, геноцид сингари сўзлар батамом мос эканлиги эндиликда мутлақо равшан. Бу ҳол кишининг бутун вужудини ларзага келтиради.

Александрин: Илгари мен Ўзбекистонни табиатнинг дилбар гўшаси, деярли жаннат деб тасаввур қилардим. Ҳаммасини россиялик «гофил» банда кўзи билан кўрдим. Даҳшатнинг ўзгинаси! Қонунбузарлик миқёслари ақлни лол қолдириши нари турсин, аъзойи баданингни қақшатади! Ярим тунда ота ва онани ҳибсга олиш, гўдакларни чирқиратиб қолдириш ҳоллари (ҳа, айрим ҳодисалар эмас, бутун-бутун ҳолатлар) ақлу ҳушимга сиғмайди. Кўпинча прокурорнинг розилигисиз, гарданига ҳеч қандай айб қўйилмаган гуноҳсиз кишиларни қамоқхоналарда ҳафталар, ойлар давомида сақлаш бедодликнинг ўзгинасидир.

Кўп йиллик юрист, халқ судьяси сифатида мен у ёки бу далилга, бирор-бир ҳодисага баҳо беришда холис бўлмоғим шарт. Ишонинг, ана шу нуқтаи назарга ҳамиша риоя этаман ва қадимги Рим ҳуқуқшуносларининг «Дунё кунфаякун бўлсину, адлия яшасин!» деган ҳикматини ёдимда тутаман. Бошқача айтганда, бу шиор қонунни ҳамма нарсадан устун ва мўътабар қўяди.

Афсуски, Гдлян гуруҳи (ва нафақат у) «Мақсадга эришиш йўлида жамики воситалар ярайверади» қабилидаги ярамас ақидани қурол қилиб олди. Аслида эса ҳаммаси эмас, қонунга тўғри келадигани ярайди. Ўзбекистонда биз тўғридан тўғри ўзбошимчаликка, зўравонликка йўл қўйилганлигини кўрдик.

— Сталинча ғайриинсоний тузум пайтидаги даҳшатли қатағонга тенг келадиган қонунбузарликни назарда тутаяпсиз чамамда!

Ярин: Шундай. Устига жанговар десант ташланган, хароба уйларнинг томлари тепасида ракета қурилмалари ўрнатилган вертолётлар парвоз этган, ана шу ҳайбаракаллачилик вазиятида Гдляннинг тергов гуруҳи дея номланган даҳшат ёпирилиб кирган қорақалпоқ қишлоғини такрор ва такрор эслайман. Мазкур қишлоқ болалари, аёллар, қари-қартанг, бутун аҳолиси қанақа жаҳаннам азобини ҳис этганликларини ҳеч қандай таснифсиз, бевосита тасаввур қилиш мумкин.

Айрим яширин миллионерлар, пахтафурушлиқ корчалонлари меҳнаткаш халқ ҳисобидан тўплаган, аниқроғи —ўғирланган пулларни, тиллаворларни оддий кишиларнинг уйларида сақлаганликлари маълум. Бироқ ақлга сиғмайдиган даражада босқинчилик, қўрқитиш, дағдаға усулларини қўллаганча аҳолини қийнаш ваҳшийликдан, жоҳилликдан (менинг шахсий фикрим бу) бошқа нарса эмас.

ЭКСПЕРТ А. РАҲМОНҚУЛОВНИНГ АХБОРОТИ: Ғайриқонуний ҳибсга олишлардан нутилиш, қариндошларни қийноқлардан қутқариб қолиш ниятини кўзлаган Қорақалпоғистондаги «Қирриқиз» колхозининг ёши анча-мунчага етган, икки марта инфарктга йўлиққан раиси Алимов ўшанда Гдлян ва унинг терговчилари дағдаги туфайли хўжалик хонадонларини бирма-бир кезганича колхозчиларнинг шахсий жамғармаларидан 422 минг сўмни йиғиб берган. Бу одам жиноят содир этмаган эди. Хоразм областидан Бенчонов ҳам жиноятга қўл урмаганди. Лекин уни катта миқдордаги пулни тўплаб топширишга мажбур этишди. Бундай «ўлпон» тўплаш чоғида Бенчонов ҳар бир кишига нотариус тасдиғидан ўтказилган тилхат берди. Гдлян бунақа ўзбошимчаликларни озмунча содир этгани йўқ.

Ярин: Ўзбекистонда бўлганимизда 150 дан ортиқ одам, асосан Гдлян қамоқхоналари азобини чекканлар билан суҳбатлашдик, шулардан 80 дан зиёднинг сўзларини магнит лентасига ёзиб олдик. Менинг ўзимдағмна мавжуд бўлган ёзувларни икки кеча-кундуз давомида эшитиш мумкин. Николай Алексеевичда ҳам айбсиз айбдорларнинг аччиқ дарду ҳасратлари баён этилган кассеталар анча бор. Инсон изтироби, деҳқон қалбининг фарёдини биз москвалик ва ленинградлик сайловчиларга, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси эътиборига етказамиз. Ҳақиқатни ҳамма билиши керак!

(Давоми 4-бетда).



В. Ярин.

Н. Струков.

В. Александрин.

В. Одилов.

А. Раҳмонқулов.

М. Аврукин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ К. ЮСУПОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МИНИСТРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўртоқ Комил **Юсупов** Ўзбекистон ССР халқ таълими министри этиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси — **М. ИБРОҲИМОВ.**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари — **Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.**

Тошкент шаҳри,
1990 йил 29 январь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Ш. А. АЛИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ МИНИСТРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўртоқ Шавкат Орифжонович **Алимов** Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министри этиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси — **М. ИБРОҲИМОВ.**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари — **Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.**

Тошкент шаҳри,
1990 йил 29 январь.

НОМЗОДЛАР

СЎЗНИ ҚУРОЛ ҚИЛИБ

Оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодлар рўйхатга олингани ҳақида эълон қилинган ахборотлардан бирида шундай сатрлар бор:

«257-Тошбулоқ сайлов округидан:

2. Эгамбердиев Йўлдошали — область «Наманган ҳақиқати» газетасининг бўлим мудири, 1941 йилда туғилган, миллати—ўзбек, КПСС аъзоси, Наманган районидаги Хўжақишлоқ қишлоғида яшайди».

Ўйлайманки, мазкур хушхабар нафақат ижодий коллективимизнинг ҳар бир аъзосини, балки барча қалам аҳлини хурсанд қилди. Биринчидан, вилоятимиз тарихида илк бор маҳаллий газета ходиминнинг номзоди республика олий ҳокимияти органига кўйилиши. Иккинчидан, уни турғунлик йилларидагидек (қоларса, ҳозир ҳам бор) юқоридан берилган тавсия бўйича эмас, балки ҳамкишлоқлари ўз ҳоҳиш-истаклари, ташаббуслари билан кураш майдонига муносиб кўриб олиб чиқишди. Бунга осонликча эришмадилар, албатта.

Ўтган йил 15 декабрдаги воқеа кечагидек эсимда. Бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик системасига маҳкам ёпишиб олган райондаги муайян бюрократик кучлар салкам бир ой мобайнида ғоят усталик билан қўйган қанчадан-қанча пинҳоний ва ошкора ғовлар монелик қилолмагач, ниҳоят, райижроком билан округ сайлов комиссияси номзод кўрсатиш йиғилишини ўтказишга руҳсат берди. Анжуман кундуз соат уч яримга белгиланган экан. Биз, уч-тўрт ҳамкасблар ҳам етиб бордик.

Ленин номли колхоз клуби. Эшик олдида район раҳбарлари асабийлик билан йиғилишга келаётган одамларни синчиклаб кузатишаяпти. Айниқса район партия комитетининг иккинчи секретари З. Нишоновнинг авзойи чатоқ. Район ижроия комитети раисининг ўринбосари Ҳ. Икромова, халқ таълими бўлими мудири Ж. Жалилов, район комсомол комитетининг биринчи секретари А. Қаҳҳоров, райкомнинг ташкилий-партиявий ва кадрлар иши бўлими мудири К. Абдуллаев, ҳатто область халқ контроли комитети раиси Е. Валиев ҳам нимадандир безовталикларини яширолмаяптилар. Район ички ишлар бўлими бошлиғининг бир эмас, иккала ўринбосари ҳам ўз ходимлари билан шу ерда.

— Бўлди, эшикни ёпинглар, — ҳукм қилди райком котиби З. Нишонов.

Биз ҳам ичкарига кириб жойлашдик.

Катталарнинг ҳаммаси тўппа-тўғри президиум учун тайёрлаб қўйилган ўринларга чиқди. Райижроком раиси муовинининг айтгани шу бўлди:

— Қоида бўйича 300 сайловчи тўпланиши керак. Рўйхатимизни кўрсак, 258 киши бор экан. Шунинг учун йиғилишни ўтказиб бўлмайди. Тарқалишингизни сўраймиз...

Залда ғала-ғовур бошланди.

— Ташқарида ҳам одамлар бор,— деди кимдир, — қоларса, иккинчи эшикдан кирганлар ҳисоб қилинмади.

Президиумдагилар ўзларини эшитмаганга олишди.

— Яна ўн минут сабр, — илтимос қилди бошқа биров, — 40 эмас, 50 сайловчини топиб келамиз.

— Йўқ! — кескин эътироз билдирди «раис», — Келишилган вақт тугади!

Бир эумда президиумда ҳеч ким қолмади...

Халқ нима қиларини билмай бир соатча туриб қолди. Ҳамма ғазабланган, асаблар жунбушда. Нима қилиш керак? Нега амалдорлар уларни эшитишни исташмади? Нега назар-писанд қилишмади? Бюрократлар дейишганча бор экан-да! Агар ўз одамлари номзодликка кўрсатиладиган бўлганда ҳамма нарсани қойиллатиб ташкил этишарди. Қишлоқ аҳли тарихда биринчи марта демократия, ошкоралик сиёсатидан илҳомланиб, ўзи истаган вакилини кўрсатмоқчи бўлибди-ю оқибат шуми? Агар раҳбарлар ҳақиқатдан ҳам халқ манфаатини кўзлашса, нега унинг ҳоҳиш-иродаси билан ҳисоблашишмади?

Кўпчилик ориятга кириб қолгандан кейин ҳеч бир куч тўхтатолмас экан. Шу пайт қаердандир пайдо бўлган округ сайлов комиссияси раиси Б. Собировни ўртага олиб қолишди. Узоқ «музокара»дан кейин у: «Майли, сат етти яримга йиғилингилар», — деганча ғойиб бўлди. Ваъдага биноан айтилган вақтда 600 га яқин сайловчи тўпланди. Лекин мутаассадилар йўқ. Ташаббускор группа аъзолари сайлов комиссияси раисини ўз хизмат еридан ҳам, уйидан ҳам топишолмади. Аллақаерга тўйга кетган экан. Зиёфат устидан бир амаллаб турғизишиб, қийин-қистов билан олиб келишди. Райижроком котиби Р. Умаров ҳам бўйнидан судрагандай ноилож «ташриф буюрди». Лекин иккаласи бир томон, халқ бир томон бўлди. Яна ўз билганларидан қолишмади. «Янгидан ариза ёзасизлар, уч кун ичида кўриб чиқиб, ҳал қиламиз». Бу орада ташаббускорлар область адвокатураси ходимлари Ғ. Назаров ва А. Мамажоновни таклиф қилишди. Тағин тортишувлар давом этди. Маъмурлар юристлар кўрсатган принципиаллик туфайлигина сайлов ҳақидаги қонунни тўғри «тушунишди»... ва йиғилишни очишди...

Хўш, журналистга халқ нега бу даражада хайриҳоҳ бўлдию айни вақтда нега унга қаршилик кўрсатилди? «Гуноҳи» нимада?». Бу саволга лўнда жавобни СССР халқ депутати Абдураҳмон ака Абдураҳимов Й. Эгамбердиевнинг ўз қишлоғида

сайловчилар билан бўлган учрашувда айтиб қўйди.

— Бу йиғитни илгари сиртдан танисам ҳам, унчалик яхши билмасдим, — деди у. — Ўзларингизга маълум: менга ишончли вакил бўлди. Мана, ҳозир яқин ёрдамчим. Шу важдан турмуш тарзи билан ҳам, шахси билан ҳам яқиндан танишман. Энди бутун масъулиятни зиммамга олиб, ўз фикримни айтаман. Ҳамма масалада ҳалол. Болаларини фақат меҳнатдан топган нон билан боқаяпти. Шунинг учун ҳам ҳеч кимдан тили қисиқ жойи йўқ. Пешона тери билан яшайдиганларни чин юракдан қадрлайди, ҳимоя қилади, элга танитади. Нопокларни эса, ким бўлишидан қатъий назар аямай фош этади. Унинг байроғи адолат. Бу йўлда ҳеч нарсадан қайтмайди.

Аслида ҳам шундай. Йўлдошали билан йигирма йилдан буён бирга ишлаймиз. Оддий колхозчиларнинг фарзанди. Болалиги далада ўтди. Олтинчи синфдаёқ онасига кўмакчи бўлди, кейин алоҳида меҳнат дафтарчаси очилди.

Деҳқончилик машаққати ва қувончларини татиб кўрди. Пахта яккаҳокимлиги келтирган салбий оқибатларнинг гувоҳи бўлди. Меҳнаткаш турмушнинг ноқорлигини, унинг ҳақ-ҳуқуқи ҳар томондан сурбетларча поймол қилинаётганини кўрганда юраги эзилди.

Буларнинг ҳаммаси кейинчалик педагогика институтида талабалик йилларида ҳавас билан қўлига қалам олиб газеталарга хабар йўллай бошлаганда, бошланғич синф ўқитувчиси ва мухбир сифатида шаклланганда, дастлаб район, сўнгра область редакцияларига ишга ўтганда унинг мавзу йўналишини белгилаб берди. Суғункасига қишлоқ хўжалик масалалари билан шуғулланиб келаяпти.

Бу соҳани коллективимизда ҳеч ким Йўлдошаличалик кўп ва хўп ёзолган эмас. Дўстимиз деҳқон ҳаётини миридан сиригача мукаммал билади, уни шунчаки қайд этмай, ҳамиша тадқиқ қилишга интилади. Ишидаги, турмушидаги, дунёқарашидаги ҳар бир ўзгаришни синчковлик билан пайқаб олади. Ютуқларини қувониб мадҳ этади. Қийинчиликларни енгишга, муаммоларни ечишга нафим тогса, дейди. Захматкаш, қалби кенг, жўмард одамлар ҳақида жўшиб, тошиб ёзади. Айниқса, сўнгги йилларда яратган Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Шаҳзода Мирҳўжаева, Абдураҳмон Жўраев, шунингдек Қўчқорали Холбоев, Аҳрорхўжа Холдорхўжаев сингари пахта усталари, пилачи Ҳабибахон Расулова, партия ветерани Йўлчи Раҳматов, шунингдек Совети ижроқоми раисаси Ҳамропошша Сарбарова, колхозчи Эргашполвон Тўрабоев, Афғонистон тупроғида қон-қардошлик бурчини бажариш чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлган жангчи Нуриддин Тошматов ҳақидаги очерклари, лавҳалари, публицистик мақолалари матбуотчиларда ҳам, газетхонлар томонидан ҳам юксак баҳоланди. Булар ҳақида ҳамкишлоқлар даврасида ҳам гап бўлиб туради.

Шуниси қувончлики, журналист меҳнати изсиз қолмаяпти. Марҳум қаҳрамонларнинг кўпчилиги хотираси абадийлаштирилди. Номлари мактабларга, кўчаларга қўйилди. Йўлдошали тарғиб этган қанчадан-қанча илғор тажрибалар кўпчилик мулкига айланиб, иқтисодий ва ижтимоий тангликни юмшатишга хизмат қилаяпти. «Пудратчи ҳақиқат излайди», «Деҳқон, «Заготовитель» ва бошқалар» сингари кўллаб баҳсли мақолалари эса хўжалик қадрлари, қишлоқ аҳлини қайта қуриш руҳида идрок этишга руҳлантираяпти.

Йўлдошали, юқорида ҳурматли СССР халқ депутати таъкидлаганидек, камчилик ва нуқсонларга муросасиз. Мисол келтирай. Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумини эслайлик. Шундан кейин жойларда партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, ижтимоий адолатни қарор топтириш учун кураш кучайиб кетганди. Ўша кезларда ҳамкишлоқлари уни колхоз коммунистларининг очиқ партия йиғилишига таклиф этишди. Партком секретари ўз докладида колхоз раисининг КПСС аъзосига нолойиқ хаттиҳаракатларини, хусусан қариндошуруғчиликка берилиб кетгани, суиистеъмолга йўл қўяётгани, колхозчиларни менсимаслиги, ўта маданиятсизлигини юз-хотир қилмай очиб ташлади. Бошқалар ҳам рад этиб бўлмайдиган далиллар билан уни қўллаб-қувватлашди. Сўзга чиқишга тўғри келди. Лекин раис отдан ҳам, эгардан ҳам тушмади.

Эртаси куни Йўлдошали район партия комитетининг биринчи котиби билан шахсан учрашиб, аҳволни тушунтирди. Лекин бу нуфузли даргоҳдагилар ҳам ақл овозига қулоқ тутишмади. Аксинча, ҳафа бўлишди, райкомнинг ички ишларига аралашаяпти, деб обкомга арз қилишди. Мафкуравий ишлар билан шуғулланадиган котибага чақиришди. У киши узоқ сўроқ-жавобдан кейин «Область газетаси ходимлари ўз районларидан танқид ёзишмасин» деган фармон қилдилар. Лекин коммунист журналист тазйиқлар олдида чекинмади. Республика газетасидаги ҳамкасбларига мурожаат этди. «Тўқнашув» сарлавҳали бақувват танқидий мақола эълон қилинди. Ниҳоят, ҳақ жойида қарор топди.

— Ижтимоий адолат учун кураш дастуримда асосий ўринни эгаллайди, — давом этди ҳамкасбим. — Қаранг: кейинги йилларда 100 га яқин машина районга мутлақо алоқаси йўқ одамларга бериб юборилибди. Райижроком раисигина комиссияни четлаб ўтиб, 21 та енгил машинани ўз ҳоҳишича тарқатибди. 65 йилдан буён КПСС аъзоси бўлган Йўлчи ота Раҳматовга ўхшаганларга эса берилмаган. Райком бўлим мудири К. Абдуллаев бўлса бир эмас, тўртта қариндошига машина тўғрилаб, аслида уларнинг бирини ўзи миниб юрибди. Хориждан келтирилган моллар тақсимотида тартиб йўқ. Кўп қисми дўконларга чиқарилмаёқ гумдон қилинаётибди. Масъул кишилардан ким жавобгарлик талаб қилади?

Ер масаласи. Раҳбарлар худди ота-бобосидан қолган меросни бераётгандек оёқ тираб олишаяпти. Район бошлиқлари шунинг учун жазо олишган бўлса ҳам, ўзгариш унчалик сезилмаяпти. Область бўйича энг кам — бор-йўғи 6 сотихдан ер берилаяпти.

Ишсизликни ҳал қилиш учун албатта саноат корхоналари қуриш керак. Лекин гектар-гектар ерларни казо-казоларга, пулга тузоқ қўйган бойваччаларга эмас, 15—20 сотихдан қилиб, бекор юрган колхозчиларга тақсимлаб бериш билан ҳам лоақал бир неча ўнлаб кишини банд қилиш мумкин, деб ўйлайман. Бунинг учун яна гап раҳбарларнинг инсофига бориб тақалади.

— Агар депутат бўлиб қолсангиз, қандай янги қонунлар қабул қилиниши учун курашардингиз?

— Биринчи ўринда демократияни кенгайтириш йўлидаги тўсиқларни бузиб ташлайдиган қонун керак, албатта. Сайлов ҳақидаги қонун талабларини жойларда поймол этган бюрократларни хатти-ҳаракатларига баҳо берилиши шарт. Бир неча номзодни танлаш йўли билан холис сайловлар натижасида раҳбарлик янгилаб олинмас, маъмурий-бюрократик аппарат тугатилмас экан, қайта қуриш силжиши қийин...

— Биз Йўлдошали Эгамбердиев, агар халқ ваколат берса, депутатлик шаҳодатномасидан фақат халқ манфаати учун фойдаланишга қаттиқ ишонамиз, — дейишаяпти сайловчилар учрашувларда.

Унинг ишончли вакили сифатида менинг ҳам бунга ишончим комил.

Ҳ. ЖАМБУЛОВ,
«Наманган ҳақиқати» газетаси мухбири.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ОРОЛ ТЎҒРИСИДА БИТИМ

НАЙРОБИ, 26 январь. **ТАСС мухбири Юрий ГЕРАСИМОВ хабар қилади:** Бугун бу ерда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг атроф муҳити программаси қароргоҳида атроф муҳити программаси (ЮНЕП) билан СССР ўртасида Орол денгизини тиклаш юзасидан биргаликдаги тадбирлар тўғрисида битим имзоланди. ЮНЕПнинг ижрочи директори Мустафо Толба ва СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. Ф. Петровский имзолаган ҳужжатда Орол денгизи ҳавзасидаги атроф муҳитини тиклаш мақсадида амалга ошириладиган аниқ ишлар режасини ишлаб чиқиш назарда тутилади. Ушбу вазифани ҳал этиш учун хорижий мутахассислар, СССР Фанлар академияси география институти ходимлари ҳамда яқинда ташкил этилган Орол денгизи маркази кучи билан ҳозирги экология ҳолатининг танглиги миқёсларини аниқлаш, уни бартараф этиш ва ягона ҳаракат дастурига айлантиришга доир муқобил усулларни белгилаб олиш кўзда тутилади.

1960 йилдан 1987 йилгача денгиз сатҳи 12,9 метр пасайди, майдони 40 фоиз, ҳажми эса 66 фоиз қисқарди. СССР Олий Советининг 1989 йил 3 декабрдаги «Мамлакатни экологик соғломлаштиришнинг долзарб тадбирлари тўғрисида»ги қарорида хорижий олимлар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда Оролбўйи табиий муҳитини тиклаш концепциясини ишлаб чиқишда конкурс ўтказиш таклифи айтилган эди. Бугун имзоланган битим ана шу вазифага мос тушади.

Лойиҳа райондаги аҳволни идорадан ташқари мустақил равишда экология экспертизасидан ўтказиш, икки йил ичида Оролни қутқариш режаларини ишлаб чиқиш ва бу соҳада хорижда орттирилган энг яхши тажрибалардан ЮНЕП имкониятлари воситасида фойдаланиш имконини беради.

М. Толбанинг ҳужжат имзолангандан сўнг айтганларига қараганда, ЮНЕП Орол лойиҳаси, ЮНЕП билан СССРнинг дастлабки қўшма лойиҳаси халқаро даражадаги мураккаб экология муаммоларини ҳал этиш намунаси бўлиши учун бор кучини сарфлайди. Уни амалга ошириш натижалари бўйича ривожланаётган мамлакатлар вакиллари учун ўқув курслари ташкил этилади. Лойиҳа, шунингдек жаҳондаги бошқа сув ҳавзаларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза этишга доир амалий ҳужжатларни тайёрлаш имконини ҳам яратади.

СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари ушбу лойиҳа — совет раҳбарияти олдинга сурган янги экология тафаккури концепциясини рўёбга чиқаришнинг, халқаро миқёсда атроф муҳитини муҳофаза этишнинг мураккаб муаммоларини иложи борича тезроқ ҳал этишнинг ёрқин мисоли ва намунасидир, деб таъкидлади. В. Ф. Петровский халқаро Байкал маркази фаолиятида ЮНЕП мутахассислари иштирокидаги масалани ҳам бартараф этиш режалаштирилаётганлигини маълум қилди.

МУРАККАБ ҲОЛАТ

БЕРЛИН. Христиан-демократлар иттифоқининг «янги партиялар ва ҳаракатлар билан музокаралар олиб боришга йўл очиш учун» ўз вакилларини Ханс Модров ҳукуматидан чақириб олиш тўғрисидаги қарори ГДРда танг ҳолат бўлмаса ҳам, мураккаб ҳолатни вужудга келтирди. Мамлакатдаги бошқа анъанавий партиялар — ГБСП—ДИП билан биргаликда ГДРнинг ҳозирги ҳукумат коалициясига кирган Германия демократик партияси, Германия либерал-демократик партияси ва Германия халқ демократик партияси правленияларининг бу ерда бўлиб ўтган мажлиси чоғида улар ҳозирги ҳукумат доирасида иш олиб боришга тайёр эканликларини айтдилар.

Коалиция тўғрисида музокаралар бошлангунга қадар Германия демократик партиясига аъзо бўлган министрларни ҳукуматдан чақириб олиш учун ҳеч қандай сабаб йўқ, деб таъкидлади ана шу партия раисининг ўринбосари Михаел Копланский. Германия демократик партияси катта коалиция тарафдоридир. Агар бўлажак музокаралар бирликка эришишга олиб бормаса, у ҳолда мамлакат парламентида дарҳол сайлов ўтказиш тўғрисидаги масалани қўйиш мумкин. Гап ноаниқ аҳволни тугатиш ва мамлакатни яна бошқариладиган ҳолатга келтириш тўғрисида бормоқда.

Германия либерал-демократик партияси ҳам ҳукуматдан ўз министрларини чақириб олиш учун ҳеч қандай асос йўқ деб ҳисобламоқда. Партия правленияси секретариатининг бу ерда бўлиб ўтган мажлисида ана шундай қарор қабул қилинди. Ана шу партиядан тайинланган министрлар ҳукуматда қолиши ва халқ манфаатларини кўзлаб, 6 майгача амалий ҳамкорлик қилиши яна бир бор тасдиқланди. Маълумки, 6 майда республикада парламентга — ГДР халқ палатасига сайлов бўлади.

ПОЛЬША СЕЙМИ МАЖЛИСИДА

ВАРШАВА. Польша республикасининг сейми ўзининг мажлисида сиёсий партиялар ва ёшлар ташкилотлари мулкининг ҳуқуқий статусини белгилаш ва бу мулкнинг бир қисмини давлат мулкига топшириш юзасидан махсус комиссия тузиш тўғрисида Министрлар Совети шу йил 23 январда чиқарган қарорни маъқуллади. Шу муносабат билан сейм депутатларининг граждан парламент клуби депутатлар группаси киритган ПБИП мулкини давлат мулкига топшириш тўғрисидаги қонун лойиҳасини кун тартибидан чиқариб юбориш учун асосий кўпчилиги овоз берди. Овоз бериш чоғида 26 депутат қарши чиқди ва 46 депутат бетараф қолди. Сўнгги кунларда бир группа экстремистлар бутун мамлакатда ўзбошимчалик билан ПБИП турли органлари биноларини эгаллаб олишга уринганликлари, кўппинча куч ишлатишгача бориб етганликлари муносабати билан ана шу қонун лойиҳаси теварагидаги баҳслар ғоят ўткир тус олган эди.

ҚИТЪАЛАР БЎЙЛАБ

БОННГ. Бундестагда ўтган йили ГФРнинг иқтисодий ривожланиши ва унинг бундан буёнги истиқболлари тўғрисида мунозаралар бўлиб ўтди. Ҳукумат коалициясига кирган партиялар ва оппозиция вакиллари нуқтаи назарини кескин фарқ қилиши ана шу мунозараларнинг якуни бўлди.

Иқтисодиёт министри Хельмут Хаусманнинг (ХДИ) фикрича, «мамлакат хўжалиги аъло даражададир». 1989 йилда барқарор ривожланиш негизида, деди у йиллик ҳисоботни тақдим этар экан, бу йил иқтисодий ўсиш суръатлари камида 3 фоиз бўлишини кутиш керак. Нарх-навонинг ўсиши ушбу даражадан камроқ бўлиши кўзда тутилган. Шу сабабли истиқбол учун ҳеч қандай хавф йўқ деб ҳисоблаш мумкин. Шу билан «либерал бозор иқтисодиёти» ўз афзалликларини яна бир бор тасдиқлади, бундан буён ҳам ГФР тараққиётининг асосий йўналиши эканлигини кўрсатди, деб таъкидлади министр.

* * *

ПРАГА. ЧКП Марказий Комитетининг партиянинг собиқ раҳбарлари сиёсий жавобгарлигини аниқлаш мақсадида тузилган комиссияси иш бошлади. Г. Гусак, Л. Троугал, Я. Фойтик, К. Гофман, М. Грушкович, А. Индра ва Е. Кэмпининг жавоблари эшитилди. Улар ва ЧКПнинг яна 32 собиқ раҳбарининг партия аъзолиги ўтган йили декабрида бўлиб ўтган навбатдан ташқари партия съездида тўхтатиб қўйилган эди.

* * *

ИСЛОМОБОД. Сўнгги кунларда Покистон шаҳар ва қишлоқларида байрам муҳити ҳукмрон. Мамлакатнинг турли жойларида 10 минглаб одамлар 25 январь куни қиз кўрган Бош министр Беназир Бхуттога ҳурматини ифодалаш учун қўшиқлар ва рақслар билан кўчаларга чиқдилар. Бу Покистон ҳукумати бошлиғининг иккинчи фарзандидир. Тўнғич ўғли Белавал бир ёшу уч ойлик бўлди. Беназир Бхутто энди ҳозирги мусулмон дунёсидаги биринчи аёл бош министр сифатидагина эмас, юксак лавозимни эгаллаб турган даврда фарзанд кўрган ҳукумат бошлиғи сифатида ҳам машҳур бўлди.

* * *

ДЕҲЛИ. Ўтган йилнинг ноябридаги ялпи сайловдан кейин қисқа муддат нафас ростлаб олингач, Ҳиндистондаги сиёсий партиялар сайловчилар овозини олиш учун яна рақобат бошладилар. Мамлакатнинг саккизта штати ва битта иттифоқ территорияси қонун чиқарувчи мажлисларига расмий равишда номзодлар кўрсатиш бошланади. Сайлов 27 февраль кунига белгиланган. Ҳиндистоннинг сиёсий ҳаётидаги бу муҳим воқеада 215 миллион сайловчи қатнашади. Бўлажак сайловнинг географияси ҳам жуда кенг. Маҳаллий матбуот унга асосли равишда «деярли ялпи» сайлов деб атади.

(ТАСС).

ИҚТИСОДИЁТ ЯНГИЛИКЛАРИ

БУЮРТМАГА БИНОАН

Тошкентдаги «Подъемник» заводида тайёрланган дастлабки кўприк крани мўлжалланган аниқ жадвалга мувофиқ Финляндияга юборилди. Бу кўприк крани Финляндиянинг «Вяртсиля» фирмасининг буюртмасига мувофиқ тайёрланди. Кран Ленинградда, фирма қураётган кема двигателлари заводида ишлатилади. «Вяртсиля» фирмаси тошкентликларга жами саккизта ўзига хос механизм тайёрлаш юзасидан буюртма берди. Бундай механизмларнинг олтитаси ишлаб чиқарилмоқда, сўнгги буюртма устида ҳозирча конструкторлар тер тўкишмоқда.

Бу иш мураккаб ва қизиқарлидир: юк кўтариши ва иш режими бўйича турли хил кранларни якка тартибдаги чизмалар асосида тайёрлаш лозим бўлди.

Ишлар шундай тақсимланди: «Подъёмник» заводи металл конструкциялари ва ҳаракат қилувчи механизмларни, фин фирмаси эса юк аравалари, бошқарув кабиналари ҳамда электр ускуналари комплектларини тайёрлаб беради.

Тошкентлик крансозлар буюртма устидаги ишларни бу йил тўла-тўкис тугаллайдилар.

ИУЛОВЧИЛАР ХИЗМАТИДА

Тошкент темир йўлининг олдиндан билет сотувчи кассаларида ҳар бир йўловчига хизмат қилиш вақти икки минутгача қисқарди.

Ўрта Осиё темир йўли бошқармасида ўрнатилган кучли ЭҲМ поездларда қанча жой борлиги ҳақида кечиктирмай хабар беради. Ҳар бир кассир ана шу машина билан бевосита боғланган.

Тошкент темир йўл тармоғига хизмат қилувчи «Экспресс-2» автомат бошқарув системасининг биринчи навбати мўлжалдагидан бир йил олдин ишга туширилди. Монтажчилар бу ишнинг муҳимлигини ҳисобга олиб, суръатни оширдилар: автоматлаштириш йўловчиларга хизмат қилиш сифати муаммоларини ҳал этади. Яқин келажакда автомат бошқарув системасига Тошкентдаги бир кун илгари билет сотадиган кассалар уланади. Ёзда яна бир янгилик: «Экасис» системасини ишга тушириш режалаштирилмоқда. Йўловчилар поездларда қанча жой борлиги ҳақидаги бутун ахборотни дисплей экранларида ўқишлари мумкин.

Ўрта Осиё темир йўли бошқармасидан хабар қилишларича, 1995 йилга бориб «Экспресс-2» автомат бошқарув системаси ёрдамида билетлар область марказлари ва энг катта темир йўл узелларида сотила бошлайди. Кейинроқ йўловчилар оқими кўпроқ бўлган кичик станциялар ҳам шу системада ишлай бошлайди. Уларнинг ҳаммаси умумиттифоқ системасининг тарқибий қисмига кирадиган Тошкентдаги ЭҲМ билан боғланади.

ЭПЧИЛЛАР УЧУН

Самарқандда чанг босиб ётган молларни сотиш ярмаркаси ўз ишини тугатди. Ким ошди савдосига асосланган ярмарка Самарқанд бош таъминот бошқармасининг савдо-сотиқ маркази ташаббуси билан ўтказилди.

Область корхоналари 20 миллион сўмлик турли хил молларни ярмаркага тақдим этишди. Ўзбекистоннинг бошқа областлари, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон, РСФСР, Украина, Болтиқбўйи республикалари бу ерга 6 миллион сўмлик мол олиб келдилар. Жами атиги миллион сўмликдан сал кўпроқ 68 та савдо битими тузилди. Бу ҳали кам...

Чимкент таъминот кооперативи, Днепродзержинск моддий-техника таъминоти базаси савдо-сотиқ ишларини олиб боришда ғайрат қилишди. Ярим миллион сўмлик мол сотиб олган савдо-сотиқ марказининг Самарқанд улгуржи-комиссион дўкони бу ишда карвонбошилик қилди.

Бироқ, меҳмонлар тушунтириш тариқасида бериладиган ахборотни янада изчил ўргандилар ва асосан тақчил молларни сотиб олдилар. Шу боисдан камёб сантехника ускуналари, электр моллари, коржомалар, шиша, газлама, эмаль, турли хил бўёқлар, рангли металл ва микросхемалар областдан ташқарига «гумдон бўлди».

— Фондлар ва лимитлар асосида ресурсларни кутишдек сийқаси чиққан усулни унутадиган вақт келди, — дейди савдо-сотиқ маркази директорининг ўринбосари Л. Квасова. — Ярмарка эркин бозор муносабатларидан фойдаланишга, ортиқча моллардан ҳоли бўлиш ва зарур нарсаларни сотиб олишга имкон беради. Бу ишда эпчил кишиларгина ютиб чиқади.

Рўзғор холодильниклари, видеоаппаратлар, мебель ва автомашиналар сотилган ким ошди савдосидан сўнг ҳам шундай хулоса чиқариш мумкин.

(ЎзТАГ).

СССР УМУМИЙ ХОНАДОНИМИЗДИР

РУС ЗАМИНИНИ ЯШАРТИРАЁТГАНЛАР

А. Е. АДАМОВ

М. А. МИРДАДАЕВА

А. Ф. НАБИЕВ

Х. Д. ЧИНБЕРДИЕВ

Қадимий рус шаҳри Владимирда Ўзбекистоннинг йирик қурилиш ташкилоти — «Узвладимирводстрой» трести иш бошлаганига тўққиз йилдан ошди. Шу даврда республикамиз мелиораторлари минг-минглаб гектар экин майдонларининг захини қочириб, тупроқ унумдорлигини оширдилар. Уларнинг ҳамкасблари бўлган ирригаторлар қанчадан-қанча майдонларга сув олиб бориб, заминнинг янада кўпроқ самара беришига ўз улушларини қўшдилар. Қурувчиларимиз эса кўплаб турар жойлар, маданий-маиший хизмат кўрсатиш биноларини бунёд этиб, владимирлик қардошларига армуғон қилишди. Айниқса кейинги икки йилда бунёдкорлик ишлари катта миқёсларни касб этди. Шу даврда 26 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, деярли 3 минг гектар экин майдонининг захи қочирилди. Мелиоратив ҳолати яхшиланган ана шу ерларда дон, сабзавот, озуқабоп экинларнинг ҳосилдорлиги сезиларли даражада ошди. Кейинги икки йилда 700 гектар ерга сув чиқариб, йил бўйи барқарор ҳосил етиштириш имконияти яратилди. Владимир областининг кўпгина районларида 6 минг гектар майдонда бутазорларни тозалаш, ерларни текислаш сингари кенг кўламдаги юмушлар адо этилганлиги ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга замин бўлди.

Мавжуд хўжаликлар, янгидан тузилаётган совхозлар учун уй-жойлар, маданий-маиший бинолар қуриш соҳасида олиб борилаётган ишлар ҳам эътиборга лойиқ. Жумладан, кейинги икки йилда Владимир заминида республикамиз вакиллари қарийб 8 минг квадрат метр саҳнли турар жойларни фойдаланишга топширдилар. Санаб ўтилган кенг кўламдаги ишларда трест қурувчилари, мелиоратор ва ирригаторлари, инженер-техник ходимларининг яратувчилик меҳнати, изланишлари мужассамдир.

Йирик коллективга ҳозирги пайтда етук мутахассис ва ажойиб ташкилотчи Анатолий Еремеевич Адамов раҳбарлик қилмоқда. У 32 йилдан бери қўриқ ерларни ўзлаштиришга, заминнинг саховатини оширишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. А. Адамов 1958 йили комсомол йўлланмаси билан Қозоғистон қўриғида иш бошлаганди. 1963 йили Тошкент политехника институтини тугатгач, Мирзачўл қурилишларида ишлашга юборилди. У ерда прорабликдан трест бошқарувчисигача бўлган мураккаб йўлни босиб ўтди. Кейинчалик ўн йил давомида СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигида бош бошқарманинг бошлиғи бўлиб ишлади. 1988 йилдан бери эса «Узвладимирводстрой» тестига раҳбарлик қилмоқда. У қўриқ ерларни ўзлаштиришга қўшган муносиб ҳиссаси учун «Ҳурмат» ордени, кўплаб медаллар ва фахрий нишонлар билан тақдирланган. А. Адамов бошқарувчилик қилаётган даврда трест икки марта Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан тақдирланди.

Бевосита мелиорация қурилишларида, турар жой ва маданий-маиший биноларни бунёд этишда жонбозлик кўрсатаётганлар ҳақида гап борганида Холдор Даминович Чинбердиевнинг номи биринчилар қатори тилга олинади. У ўзи бошқараётган экскаватор билан зовурлар, коллекторлар қазишда фаол иштирок этиб, заминнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга ўз улушини қўшаяпти. Механизациялашган 8-кўчма колоннанинг моҳир ишчиси бўлган Х. Чинбердиев жисмоний тарбия, спорт машғулотлари билан шуғулланишда, жамоатчилик топшириқларини адо этишда ҳам юртдошларига намуна бўлаяпти. Трестга қарашли 8-автотранспорт корхонаси ҳайдовчиси Анатолий Фаёзович Набиев Владимир заминига Самарқанд областининг Каттақўрғон районидан келган. У саккиз йилдан бери ойлик ва квартал топшириқларини ҳамиша ошириб бажариб, коллективнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлмоқда.

Трестдаги кўпгина ишларни мувофиқлаштириб туриш, сифатини назорат этиш Муножот Абдуллаевна Мирдадаева сингари мутахассислар зиммасига юклатилган. Унинг турмуш ўртоғи Шомансур Мажидович Шоназаров билан Владимир заминига келишганига саккиз йилдан ошди. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтини тугатган бу мутахассис аёл қурилиш сифатини муттасил назорат этиш билан бирга жамоат топшириқларини ҳам кўнгилдагидек адо этиб келаяпти.

«Узвладимирводстрой» трести коллективи ўн иккинчи беш йилликнинг якунловчи йилида фидокорона меҳнат қилиб, эришилган муваффақиятларни янада мустаҳкамлашга астойдил интилмоқда. Республикамиз вакиллари бутун куч-ғайратлари, билим ва тажрибаларини Владимир заминини янада яшартиришга, Ноқоратупроқ ўлкани обод қилишга сафарбар этмоқдалар.

С. ХУЖАЕВ.

Расмларни «Қишлоқ ҳақиқати» йўлланмаси билан Владимир областида бўлган рассом БЕРТА ШТИН чизган.

Қишлоқ маданияти муаммолари

МАЪРИФИЙ МАРКАЗ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Қадимдан ҳар бир халқнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий камолоти кутубхоналар аҳволи, уларга бўлган эътибор билан белгиланган. Маданий тараққиёт, маънавий бойликлардан баҳраманд бўлиш, оммавий кутубхоналар, шу жумладан қишлоқ кутубхоналари аҳволи, уларни ҳақиқий билим ва маданият масканлари даражасига кўтариш мазкур халқ маънавий даражасининг мезони ҳисобланади.

Бугунги кунда республикада 14 мингдан зиёд кутубхона халққа хизмат қилмоқда. Шулардан Маданият министрлигига қарашлилари 7.706 та бўлиб, улардан 6.228 таси ёки тахминан 80 фоизи қишлоқларга жойлашган. Шаҳарда битта кутубхонага 2.538 аҳоли, қишлоқда эса 1.815 киши тўғри келади. Ҳар бир киши шаҳарда 6, қишлоқда 4 та китоб билан таъминланган.

Кутубхона қишлоқда мафкуравий маданий-маърифий ва ахборот муассасаси бўлиб, унинг асосий вазифаси халққа китоб бойлигини етказишдадир. Қишлоқ ўқитувчиси, врачи, мутахассиси, тарғиботчиси, партия ва совет ходимлари мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар, режалар ҳақидаги ахборотлар билан шу ерда танишадилар. Айни вақтда улар меҳнаткашлар ўзларининг касбкор ва маданий даражаларини узлуксиз ошириб боришларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатадилар.

Маълумки, турғунлик йилларида кутубхона ишига жиддий эътибор берилмади, натижада қатор муаммолар тўпланиб қолди. Аввало шуни таъкидлаш керакки, қишлоқ кутубхоналарининг китоб фондлари сон ва сифат жиҳатидан шаҳардагилардан анча орқада. Фондлар кўпинча шу минтақа аҳолиси учун зарур бўлмаган, бир хил, кўп нусхадаги адабиётлардан иборат. Ўзбек тилидаги асарлар кам. Ваҳоланки, қишлоқ аҳолисининг деярли барчаси ўзбеклардир. Бошқа миллат вакиллари кўпчилик бўлиб яшайдиган жойлардаги кутубхоналарда эса, шу миллат тилидаги адабиёт деярли йўқ ҳисобида. Вақтли матбуот билан таъминланишда ҳам бир қатор камчиликлар мавжуд. Кўпгина қишлоқ кутубхоналари марказий газета ва журналларга эга эмас.

Қишлоқ кутубхоналаридаги маданий-маърифий ишларни мақтовга сазовор деб бўлмайди. Бунга асосий сабаб — аҳсарият қишлоқ кутубхонасининг моддий-техника базаси ночор аҳволда. Ҳозирги кунда фақат 60 та қишлоқ кутубхонаси махсус қурилган бинога эга. 1984—1989 йилларда деярлик бironта бино лойиҳа асосида махсус қурилмади. Қишлоқларимиздаги 6.228 кутубхонанинг 3,5 фоизи авария ҳолатида, 25 фоизи ремонтга муҳтож, 65—70 фоизи қиш ойларида иситилмайди. Атиги 6—8 фоизи телефон алоқасига эга.

Кўпгина кутубхоналар техника воситалари — телевизор, магнитофон, диопроектор ва ҳоказолар билан таъминланмаган. Бу воситаларсиз маданий-маърифий ишларни сифатли ўтказиш қийин. 1984 йил 13 мартда тасдиқланган «СССРда кутубхона иши тўғрисида низом»га кўра мазкур соҳа бинолар, жиҳозлар, китоб фонди билан таъминланиши ва китобхонларнинг талаблари тўла қондирилиши лозим.

Кутубхоначилар ойлик иш ҳақининг камлиги ва касбга қизиқишнинг пасайиб кетиши кадрлар қўнимсизлигига сабаб бўлмоқда. Республикамиздаги 11.386 кутубхоначидан 80 фоизи қишлоқда меҳнат қилмоқда. Улар 16—18 йилда бир маротаба малакаларини оширмоқдалар. Ҳар йили 20 фоизга яқин кутубхоначи ўз иш жойини ўзгартираяпти. Шунинг учун ҳам кўпинча мутахассис бўлмаган кишилар бу соҳада ишламоқдалар. Барча кутубхоначиларнинг деярли 40 фоизи махсус маълумотга эга эмас. Аксарияти ўрта маълумотли, бу эса ўз-ўзидан иш сифатига таъсир кўрсатмай қолмайди.

Методик материаллар билан, айниқса ўзбек тилида чоп этилган қўлланмалар билан таъминлашда жиддий камчиликлар мавжуд. Бу борада Алишер Навоий номли давлат кутубхонаси фаоллик кўрсатиши лозим. Шуни ҳам айтиш керакки, ҳозиргача бизда кутубхонашунослик назарияси ва амалиёти муаммоларини, барча методик ва илмий ишларни ёритиб борувчи ўзбек тилида чоп этиладиган журнал йўқ. Ваҳоланки, қишлоқ кутубхоналарида меҳнат қилаётганлар ўзбек тилида чоп этиладиган материалларга жуда ҳам муҳтож эканликларини қайта-қайта таъкидламоқдалар.

Қишлоқ кутубхоналарини бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ва оширилиши зарур бўлган улкан ишларни тарғиб қилувчи ҳақиқий маскан даражасига кўтариш учун, бизнингча, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, кадрларнинг иш ҳақини ошириш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тадбирларини амалга ошириш, кутубхонашунослик назарияси ҳамда амалиёти муаммоларини ёритиб берувчи, илғор иш тажрибалари билан таништириб борадиган журнални ўзбек тилида чоп этиш керак, деб ҳисоблаймиз.

Бу муаммоларнинг ижобий ҳал этилиши Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги бошчилигида узоқ йилларга мўлжалланган қишлоқда маданиятни, шу жумладан қишлоқ кутубхоналарини ривожлантиришнинг аниқ программасини ишлаб чиқиш ҳамда уни жойлардаги партия, совет ва жамоат ташкилотларининг ёрдамлари билан амалга оширишга боғлиқ. Ўйлаймизки, бугунги қайта қуриш, ошкоралик даврида партия ва совет органлари кутубхоналар ўз вазифаларини тўлиқ бажаришларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатади. Чунки доҳий миз В. И. Ленин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг дастлабки кунларидан бошлабоқ кутубхоналарга меҳнаткашларнинг инқилобий онгини шакллантирувчи, уларнинг иқтисодий билимларини оширувчи жуда муҳим муассаса сифатида юксак баҳо берган. Шунинг учун ҳам ҳозирги мураккаб бурилиш даврида қишлоқ кутубхоналарини меҳнаткашларнинг ҳақиқий маданий-маърифий ва ахборот марказларига айлантириш зарур.

М. РАСУЛОВ,
республика маданият ходимлари малакасини ошириш институтининг кутубхонашунослик ва библиография кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди.

М. МАҲМУДОВ,
институт ўқитувчиси.

УМРБОҚИЙ ҒОЯЛАР

ЛЕНИНСКИЕ ГОРЬКИ. (Москва области). Бу ерда В. И. Ленин туғилган кунининг 120 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Нотиқлар Совет давлатининг асосчиси Москва партия ташкилотини вужудга келтиришда муҳим роль ўйнаганини таъкидладилар. Бу ерда ҳозир олиб борилаётган қайта қуриш учун унинг сиёсий васиятлари нақадар катта аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида гапирилди.

Ҳозир янги типдаги партияни ленинча тушунишга қайтилмоқда, деб таъкидланди конференцияда. Революция йўлбошчиси социализмни демократия ва тараққиёт жамияти сифатида, ўз мазмунига кўра инсонпарвар қадриятлар системаси сифатида тасаввур қилган эди. Бугун социализмнинг янги қиёфаси ҳаётда юз бераётган жараёнларни чуқур ва ҳар томонлама назарий ҳамда амалий умумлаштиришни талаб қилмоқда.

Мазкур конференция пойтахтда ва пойтахт областида В. И. Ленин юбилейига тайёргарлик доирасида ўтказилган дастлабки катта тадбир бўлди.

МАҲСУЛОТЛАРНИ ХОРИЖДАН СОТИБ ОЛИШ ВА ХОРИЖГА ЧИҚАРИШ ЛИЦЕНЗИЯЛАРИ ҲАҚИДА

СССР Министрлар Советининг ташқи иқтисодий давлат комиссияси 1989 йил 28 декабрда қарор қабул қилиб, СССР Министрлар Советининг 1989 йил 7 мартдаги 203-сонли қарорига мувофиқ лицензиялар билан экспорт ва импорт қилинадиган маҳсулотлар рўйхатини тўлдирди ва аниқлик киритди.

Шу қарорга мувофиқ тибет табобати маҳсулотларини экспорт қилишга лицензия бериш СССР Ташқи иқтисодий алоқалар министрлиги зиммасига, СССР Министрлар Советининг 1989 йил 7 мартдаги 203-сонли қарорида кўрсатилган химия маҳсулотларини экспорт қилиш учун лицензия бериш СССР Нефть химияси саноати министрлиги зиммасига юкланди.

1990 йилда зотдор чорва молларни (қорамол ва қўйэчкилар, зотдор чўчқаларни) импорт қилишга лицензия жорий этилди — лицензияларни СССР Ташқи иқтисодий алоқалар министрлиги беради, шунингдек қизил ва сариқ фосфорни экспорт қилишга ҳам лицензия жорий этилди — лицензияларни «Агрохим» давлат агрохимия уюшмаси беради.

СССР божхона идораларига 1990 йил 1 февралидан бошлаб мазкур маҳсулотларни ана шу маҳсулотларни етказиб берувчиларда тегишли идора томонидан берилган лицензия бўлган тақдирдагина СССР Давлат чегарасидан ўтказиш топширилди.

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли ҲАБИБИЙ таваллудининг 100 йиллигига

Шарқ классик адабиётининг муборак анъаналарини сақлаб қолиш йўлида фидойилик кўрсатган, мусиқавий аруз жанрини ҳалокат соҳилидан қутқаришга бел боғлаган замондошларимиз ҳақида гап боргудек бўлса, Муҳаммадшариф Сўфизода, Абдулҳамид Чўлпон, Ҳамза Ҳакимзода, Собир Абдулла, Чархий, Чустий каби ғазалхон шоирлар қаторида Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Ҳабибий номи ҳам ҳурмат билан тилга олинади. Ўзбек совет шеъриятида аруздчиликни сақлаб қолиш учун курашганлардан бири сифатида назм саройида унинг муносиб ўрни бор.

Шоир ўзи туғилиб ўсган, болаликнинг беғубор меҳри тўкилган Қўқонқишлоқни кўп эслайди. Соғинч тўла сатрларда қуйлаб, унга эҳтиромини ифодалашга ҳаракат қилади:

Э, муқаддас, қадрли
қишлоғим,
Тоза тупроғу бағри кенг
боғим,
Аввал исминг эди
Қўқонқишлоқ,
Ишладинг, бўлдинг энди
пахтаобод оқ,
Пахтаобод эрур бугун
исминг,
Лойиқ исмингга меҳнатинг,
жисминг...

1890 йил 30 январь куни ана шу гўзал масканда таваллуд топган бўлажак шоир олтин водийнинг Қўқон, Андижон каби бир қатор шаҳарлари мадрасаларида таҳсил кўриб, савод чиқарди. Улуғ Октябрь инқилобидан сўнг эса турли совет муассасаларида ишлади. Қаерда яшаб, меҳнат қилмасин, она диёр муҳаббатини дилида сақлаб, уни булбулдек мадҳ этиш ишқи билан ёнарди:

Атоқли Андижон, пахтага
кон,
Ҳама деҳқончиликда уста
деҳқон...

Шоир ана шу «уста деҳқон» пешона тери билан етиштирадиган ноз-неъматларни — «лаззатда ҳалво қовун-тарвузлар»ни, «анору анжиру шафтолию нок»ларни, «сариғ олтин осилган ток»ларни, «ширааю шарбатга тўлиғ боғ»ларни шундай иштиёқ ва маҳорат билан тасвирлайдики, ўзингизни гўё боғи эрамда юргандек ҳис этасиз.

Музофот тавсифини ўқир экансиз, ўтмишнинг забардаст алломалари кўз ўнгингизда намоён бўлади:



Равиль АЛЬБЕКОВ олган мана бу суратда устоз Ҳабибий набираси билан тасвирланган.

ҲУР ДИЁР БУЛБУЛИ

Етишди бу гўзал кишварда
Бобир
Бўлиб сўз устаси, санъатли
шоир.
Ёки:
Сенинг қўйнингда Машраб
ҳам туғилди,
Қўриб халқ ичра
тенгсизликни кулди.
Ёхуд:
Етишган Нодира поку
адиба
Жамила, илму ахлоқи
ажиба.

Шундан сўнг Андижонга бағишланган қасидада биз бинокор уста Юсуф ҳожи, маҳоботли бастакор «уста» номи билан машҳур Тўхтасин Жалилов ва бошқаларнинг ўзига хос таърифини учратамиз.

1938 йили Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳузурида шеъриятимиз гултожи Алишер Навоий меросини ўрганиш комитети тузилгач, Ҳабибий домла Тошкентга чақирилди. 1939 йили эса уни Катта Фарғона канали қурувчилари орасида ишлаётганини кўриш мумкин эди. Бу даврда ёзилган «Мирзачўл», «Мирзачўл комсомолларига», «Ўзбекистонга келинг» каби шеърларида халқ қаҳрамонлигининг буюк намунаси—канал қурувчиларнинг фидойилиги кўтаринки руҳ, илҳомбахш мисраларда мадҳ этилган.

Кейин шоир Янгийўл шаҳридаги область музикали драма ва комедия театрида, Ўзбекистон давлат филармониясида адабий эмакдош бўлиб ишлади. Улуғ Ватан уруши йилларида яратилган «Ленин учун», «Ватан ҳимояси», «Ёв қочди», «Жангга киринг», «Яхшироқ» сингари ғазаллари буюк ватанпарварлик туйғуси билан суғорилган. «Она мактуби» эса 1942 йили суронли жанг-гоҳда жон бериб-жон олаётган ўғилга муштипар волиданинг нидоси янглиг янграйди:

Ёвга қул бўлсам, аё ўғлим,
жаҳонни найлайин,
Яхшидир ер устидан остҳ,
бу жонни найлайин.
Гулшанимни қилсалар
зоғу заҳонлар ошиён,
Қайтариб урмай, қуруқ
оҳу фиғонни найлайин!...
Соябонсан, бош кўтар,
ёвга жавоб эт зарбила,
Иўқса сендек бир эмас,
минг соябонни найлайин...

Устоз Ҳабибийнинг 100 дан ортиқ ғазалига куй басталанган. Хонандалар бу қўшиқларни ўзгача бир ифтихор ила ижро этадилар. Домла ғазал, мураббаъ, мухаммас, рубоий, туюқ, қасида каби турли жанрларда 40 минг байтдан зиёд адабий мерос қолдирганларки, бу хазина ҳали мукаммал тадқиққа муҳтождир.

1970 йили республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, 1974 йилда эса Ўзбекистон ССР халқ шоири унвонига сазовар бўлган Ҳабибий домланинг «Меҳнат қўшиқлари», «Янги яллалар», «Колхозчилар ашуласи», «Девон», «Куллиёт» каби шеърий тўпламлари нафақат бастакору хонандалар, балки барча назм шайдоларининг китоб жавонлари тўридан ўрин олган.

1980 йили устоз Ҳабибий Халқлар дўстлиги ордени билан тақдирланганида барча шогирдлари, китобхонлари чин юракдан қувонишган, уни муборакбод этишган эди.

Меҳнаткаш халқ бахтини, ҳур диёримиз мадҳини шавқу завқ билан баланд пардаларда куйлаган ғазалхон шоир Ҳабибийнинг бир асрлик тўйи бутун республикамизда кенг нишонланаётган шу кунларда домланинг номини чуқур ҳурмат билан тилга олиб, унинг руҳи поки олдида таъзим қиламиз.

Н. ОРИФЖОНОВ.

ҲАБИБИЙ,
Ўзбекистон ССР халқ шоири

ЖОНИМ БОРИЧА

Кетмагай меҳринг, Ватан, жисмимда жоним борича,
Балки бир жоним демасман, устихоним борича.
Кўз қаросидек ҳамиша сақлайин бегонадан,
Ки фидо бўлсин йўлингда хонимоним борича.
Бўстонинг шавқида булбул ғазалхонинг бўлиб,
Жўш урай, қайнай, танимда тоза қоним борича.
Меҳнатингдир айни роҳат, айни иқболу шараф,
То тирикман, ер юзида ошъёним борича.
Кеча-кундуз улфатим фикринг, хаёлинг мунисим,
Бўлмайин бир дам жудо ному нишоним борича.
Куйласам роҳат топар жоним сенинг номинг билан,
Тушмас оғзимдан ширин зикринг забоним борича.
Қолган умримни, Ҳабибий, сарф этай мадҳинг билан,
Ақлу ҳушу қудрату тобу тавоним борича.
1946.

ЯНАСЎЗҲАҚИДА

Бизга минг йиллар қиё боқмай, бўлиб бегона сўз,
Доимо шеър аҳлини қилган эди афсона сўз.
Қай куни майдонда тикланди адолат байроғи—
Қилди шеърим лашкарин ғолиб, очиқ пешона сўз.
Бермаган эрди хурофот аҳли эрк ашъор учун,
Катта йўл очди, зафар топди бу кун мардона сўз,
Бўлди жонпарвар қўшиқлар, яллалар эл оғзида,
Ҳар сўзимни айлади қиммат баҳо дурдона сўз.
Енди иқболим чароғи парпираб, ўчмас мудом,
Бўлди атрофимда ўйнаб, айланиб парвона сўз.
Бахтиёр ўлкамда сўз оқланди оқ олтин каби,
Гуллади, гулгул очилди, гуллагандек шона сўз.
Зўр шараф топдим, Ҳабибий, оқибат эл қошида,
Дил тўлиқ завқу, бошимда давлати ҳамхона сўз.
1949.

МАРДУМИ ФАРҒОНАМАН

Шеърият майдонида қўйдим қадам, мардонаман,
Бахту иқболу зафарга ҳамдаму ҳамхонаман.
Сипқариб эрку саодат бодасидан қонаман,
Кулфату, ранжу алам ташвишидин бегонаман,
Гулшанимнинг ишқида булбул каби парвонаман.
Чекди кўп заҳмат Муқимий, Фурқатий бечоралар,
Қора қилди бахтини бир неча баҳри қоралар,
Ўтди умри дарбадарликда юриб оворалар,
Еш ҳазон бўлди, юрак баҳри бўлиб юз поралар,
Бўлмадим, юз шукр, туҳматлар билан афсона ман.
Еш эдим, назм аҳлининг қалбида қат-қад доғ эди,
Гул каби гулшанга зийнат берса ҳам, янтоғ эди.
Нағмагар булбул хурофот олдида бир зоғ эди,
Жоҳилистон эрди, ғавғолар қаро тупроқ эди,
Берди сайқал заргарим, бўлдим зару дурдона ман.
Қай куни чиқди адолат бирла байроғу шиор,
Кетди зулмоти ҳасад, бўлди ҳақиқат ошкор,
Олди халқ эркин нафас, дил бегубору бахтиёр,
Йўл очилди, ишладим, топдим шарафли эътибор,
Миллатим ўзбек, Ҳабибий, мардуми Фарғонаман.
1956.

ОЗАРБАЙЖОН ВА АРМАНИСТОНДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

Озарбайжон ва Арманистондаги вазият аста-секин изга тушмоқда. Ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш кучлари, ички қўшинлар ва Совет Армиясининг бўлинмалари жамоатчилик ёрдамида вазиятни нормал изга солиш тадбирларини амалга оширмоқдалар.

БОКУ. Узлуксиз циклли корхоналар, ҳаёт таъминоти билан боғлиқ объектлар кучи билан тўла ишлади. Метро ишлаб турибди, жамоат транспорти асосан қатнай бошлади. Республика телевидениесининг иши қайтадан бошланди. СССР халқ депутати полковник Н. Петрушенко телефон орқали берилган саволларга жавоб қайтариб, маҳаллий радио орқали бевосита гапирди. Унинг бокуликдар билан мулоқоти рўйрост амалий тусда бўлди.

Миллатлараро негиздаги тўқнашувлар рўй бермади. Тартиб ўрнатиш мақсадида запасдаги жангчиларнинг фаол иштирокида гражданларнинг кўнгилли уюшмалари тузилмоқда.

Экстремист тўдалар ёлғон миш-мишлар тарқатиб, маҳаллий ҳокимият органлари обрўсига путур етказишга уриниб, вазиятни беқарор қилувчи таъсир ўтказмоқдалар. Гражданларни бўйсунмасликка даъват этувчи варақалар тарқатилмоқда. Масалан, экстремистларнинг «штаб»ларидан бири жойлашган Шмидт номли заводда ижвогарлик мазмунидаги 10 мингга яқин варақа мусодара этилди.

Қўшинлар «тез ёрдам» машиналарининг, автотранспортнинг, озиқ-овқат саноати ва савдо корхоналарининг ишини таъминлаш учун Бокудаги машиналарга бензин қуйиш станцияларига кўплаб ёнилғи келтирганини аҳоли ижобий баҳолади. Республика алоқа структураси қўшинлар кучи билан тикланмоқда.

ЛЕНКОРАН. Партия ва совет идораларининг фаолияти тикланди. Шаҳарда осойишталик, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ишлаб турибди. Ленкоранда партия фаоллари ва шаҳар меҳнаткашларининг чегара отряди командирлари ва сиёсий ходимлари билан учрашуви бўлди. Биргаликда вазиятни барқарор этиш юзасидан конкрет чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Бу жараёнга тўсқинлик қилишга уринган экстремистларни шаҳар аҳлининг ўзи бинодан чиқариб юборди.

ХОНЛАР. Аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари фаол олиб борилганлиги натижасида 26—27 январь кунлари «Мудофаа комитети» қуролли кишилари қурол-яроғларни топшира бошладилар. Бронетранспортёр, пиёдаларнинг жанговар машинаси, дўлга қарши ишлатиладиган 12 та тўп, 97 та автомат, 4 та карабин, 47 та кичик калибрли милтиқ қайтариб берилди. Республиканинг бошқа районларида ҳам қурол-яроғларни қидириш ва топшириш давом этмоқда. Қуроллларни ихтиёрий топширган шахсларга нисбатан ҳеч қандай жиноий таъқиб чоралари қўлланилмаяпти.

НАХИЧЕВАН. Область партия комитетида Озаринформ мухбирига хабар қилишларича, автоном республикадаги вазият изга тушмоқда. Барча саноат ва қурилиш корхоналари ва ташкилотлари ишлаб турибди, транспорт нормал қатнамоқда. Бир ҳафталик узилишдан кейин область газетаси яна чиқа бошлади.

Давлат хавфсизлиги қўмитети органлари Озарбайжон халқ фронти экстремистик қаноти фаолиятини тергов қилиш чоғида Ильич район «халқ фронти» ҳайъатининг ёнида қурол бўлган раҳбарлари Ф. Оллоҳбердиев ва Н. Асадов, шунингдек «Халқ фронти»нинг Бокудаги ячейкаси раҳбарларидан бири сохта паспорт ва гувоҳнома билан юрган Х. Исмайлов қўлга олинди. Тергов олиб борилмоқда.

Айни пайтда Нахчиван АССРдаги вазият ҳамон мураккаб бўлиб турибди.

ГАНЖА. Қурол-яроғларни ихтиёрий равишда топшириш давом этмоқда. Ҳаёт ўз изига тушмоқда. Икки кундан буён митинглар бўлмаяпти, озиқ-овқат саноати корхоналари, транспорт, маиший хизмат корхоналари ишлаб турибди. Магазинларга озиқ-овқат маҳсулотлари келтирилмоқда. Шаҳар қатрофида электр поездлар қатнай бошлади. Шаҳар газеталари чиқмоқда.

Лекин шаҳардаги кўп корхоналар ҳали ишламаяпти. Тош, цемент, бошқа бинокорлик материаллари йўқлиги сабабли қурилишлар тўхтаб қолди. Ахсу-Ганжа сув қувурининг шикастланган жойи ҳали тикланганги йўқ.

Тоғли Қорабоғ автоном области. Автомобиль ҳаракати тикланди. Степанакертда бу ерга келган Тоғли Қорабоғ областидаги вазиятни нормаллаштириш республика ташкилот комитети вакиллари ҳарбий қўмондонлик билан учрашдилар. Миллатлараро можароларга йўл қўймаслик билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Керкижон посёлкасида экстремистларнинг кўплаб озиқ-овқат ғамлаб қўйилган таянч пунктлари топилди. Хонаки тўп, ов милтиқлари, 500 талан ортиқ ўқ, 6 килограмм сочма ўқ, совуқ қуроллар тортиб олинди.

МИНГЕЧАУР. Узлуксиз ишлаб чиқариш циклига эга бўлган корхоналар, соғлиқни сақлаш объектлари, мактаблар, болалар боғчалари, нон заводи, озиқ-овқат магазинлари, бозорлар, транспорт ишламоқда. Шаҳардаги тартибни сақлашда маҳаллий аҳоли, шу жумладан ишчи милиция отрядлари фаол қатнашмоқда.

НЕФТЕЧАЛА. Барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар одатдаги режимда ишламоқда. Вазият тўла назорат қилиб турилибди. 28 январга ўтар кечаси райондаги экстремистлар «штаби» тугатилди. Икки юзтадан кўпроқ қурол мусодара қилинди.

ХАЧМАС. Озарбайжон миллий фронти экстремистлари 27 январь куни шаҳардаги мачитга бостириб кириб, пул талаб қилдилар. Жиноятчилар мачитни портлатиб юборамиз, деб аҳоли эҳсон қилган 27 минг 700 сўмни ўғирлаб кетдилар.

ШЕКИН. Нон комбинати, соғлиқни сақлаш муассасалари, савдо ва умумий овқатланиш объектларининг бир қисми, алоқа ишлаб турибди. Лекин Озарбайжон ипак саноатининг асосий корхонаси — В. И. Ленин номли шойи ишлаб чиқариш бирлашмаси, бир қанча бошқа саноат корхоналари, қурилишлар, транспорт ҳали ишга тушгани йўқ.

Арманистон ССРда ўтган кунда дўлга қарши ишлатиладиган қурол ва унинг 200 та снаряди, автомат, 8 та тўппонча, наган, 4 та милтиқ қайтариб берилди. Шу билан бир вақтда республиканинг бир қанча районларида жанговар группалар тузилмоқда. Қуроллларни ўғирлаш давом этмоқда. Хонаки зирҳли камзуллар, милтиқлар ва милтиқ учун оптик нишонга олиш мосламалари тайёрлашга уринилмоқда. Кўп миқдордаги қурол-яроғ ўғирланганлиги, улар жиноий унсурлар қўлига ўтаётганлиги сабабли республикада ташвиш кучаймоқда. Норасмий ташкилотларнинг раҳбарлари агар улар бундан буён ҳам ўғирланган ёки тортиб олинган қурол-яроғларни ихтиёрий равишда топширишга тўсқинлик қиладиган бўлсалар, регионда юз берган танглик учун уларнинг ўз халқи олдидаги масъулияти янада ортишини тушуниб олишлари керак.

Совет-Эрон чегарасидан олинган хабарларда аҳоли региондаги ишларнинг аҳволини англаб етаётганлиги ҳақида кўп гапирилмоқда. Деҳқонлар ва ишчилар, ветеранлар, хўжаликлар ва корхоналарнинг раҳбарлари ёрдам беришни, экстремистлардан ҳимоя қилишни илтимос қилиб, чегара қўшинлари қўмондонлиги ва сиёсий органларига мурожаат қилмоқдалар. Масалан, Озарбайжоннинг Жалилобод районида «Халқ фронти» аҳолиси аҳолидан мунтазам пул талаб қилмоқдалар. Бу эса ғазабни қўзғатмоқда. Чегарага яқин жойлашган бир қанча қишлоқларнинг аҳолиси ўзларини жиноятчиларнинг хуружларидан ҳимоя қилиш учун кўнгилли халқ дружиналари туздилар.

Ўтган кун давомида чегарани бузиб ўтган 80 киши қўлга олинди. Икки нафар контрабандистдан салкам икки миллион эрон риали, ўнлаб қўл соати ва совет пули мусодара қилинди.

(ТАСС).

ЁРДАМ ҲИСОБИ ОЧИЛДИ

Ҳозиргача СССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг оила аъзоларидан 600 га яқин киши Озарбайжондан олиб кетилди. Мамлакат ҳукумати уларга шошилинч ёрдам бериш чораларини кўрмоқда. Шу билан бирга ҳарбий коллективлардан, қуролли кучлар ва ички қўшинлар ветеранларидан, ташкилотлар ва айрим гражданлардан ички қўшинлар ҳарбий хизматчилари оилаларига ёрдам фонди ташкил этиш тўғрисида жуда кўп таклифлар тушмоқда.

— Турли ёшдаги, касбдаги ва ҳар хил миллатга мансуб гражданлар сиёсий бошқармага ва матбуот органларига мурожаат қилмоқдалар, — деди ТАСС мухбирига сиёсий бошқарма бошлиғининг ўринбосари генерал-майор Е. Нечаев. — Улар экстремистлар ва жамиятга қарши унсурлар оммавий тартибсизликларни келтириб чиқараётганларидан, бу тартибсизликларни бостириш чоғида бегуноҳ кишиларнинг, жумладан вазиятни нормаллаштириш учун регионга келган ҳарбий хизматчиларнинг қони тўкилаётганидан ғазабланмоқдалар. Одамлар бегараз ёрдамларини таклиф қилмоқдалар, пул ўтказиш учун меҳр-мурувват фонди тузишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисобламоқдалар. 26 январь куни СССР давлат банки СССР давлат бюджети касса ижроси бошқармасининг Москва шаҳридаги 299101 сонли Москва молия бўлимида СССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинлар бош бошқармасининг 140591 сонли жорий счёти очилди. СССР территориясида СССР давлат банкининг ҳамма муассасалари бу фондга пул қабул қилади. Ихтиёрий равишда фондга ўтказилган пуллардан ички қўшинлар офицерлари ва прапоршчиклари оилаларига нормал турмуш шароитини таъминлаш учун фойдаланилади. Ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимосимизни ерда қолдирмаган барча одамларга самимий миннатдорчилик билдирамиз.

Спорт ахбороти

ДЗЮДО

Олмалиқда ўтказилган Бутуниттифоқ мусобақаси ёшлар учун ўзига хос кўрик бўлди. Унда Россия Федерацияси, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Ўзбекистондан 200 га яқин дзюдочи қатнашди. «Комсомолец Узбекистана» газетаси соврини учун ўтказилган бу турнирда ғолиблик учун кескин кураш борди.

60 килограммгача вазнда туркманистонлик Нурали Тошпўлатов зафар қўчди. Самарқандлик Илҳом Ҳоликов ҳам маҳорати ўсиб бораётган спортчи эканлигини амалда исботлади. У 65 килограммгача вазнда ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасига кўтарилди. Свердловсклик Игорь Чернявский ҳам ўз юртига соврин билан қайтадиган бўлди. Бу дзюдочи 71 килограммгача вазнда ғолиб чиқди.

Қўқонлик Одиссей Зигузиди икки бор ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасига кўтарилди. У 95 килограммдан зиёд ва мутлақ вазнда ғалаба қозонди.

Шунингдек, пойтахтлик дзюдочилар Иверий Татраев (78), Армен Бағдасаров (86) ва Нодирбек Вафоев (95)лар ҳам ўз вазнларида ғолиб чиқдилар.

ФУТБОЛ

Маълумки, янги мавсумга тайёргарликни Душанбеда бошлаган Тошкентнинг «Пахтакор» командаси дастлабки ўйинда майдон эгаларига 1:2 ҳисобида ютқазган эди. Пахтакорчиларнинг иккинчи состави сафар давомида иккинчи лига вакили— Қўрғонтепанинг «Вахш» коллективи билан иккинчи ўртоқлик учрашувида куч синашди. Бу гал тошкентликлар 1:0 ҳисобида ғалаба қозондилар. Тўпни Р. Галиев киритди.

«Пахтакор» Тошкентга қайтгач, яна бир ўртоқлик матчи ўтказди. Уларнинг рақиби — чирчиқлик футболчилар бўлишди. Ўйин пахтакорчиларнинг тўла устунлиги остида ўтди. Натижада улар 7:0 ҳисобида ғолиб чиқдилар. Рақиб дарвозасига тўпларни Оганесян (2 та), Микляев (2), Абдураимов, Шкварин ва Билолов киритдилар. Бу матчни «Пахтакор» қуйидаги составда ўтказди: Яновский (73-минутдан Рахилин), Ковшов (60-минутдан Рўзимов), Билолов, Микляев (80-минутдан Усмонхўжаев), Денисов, (80-минутдан Тихонов), Оганесян, Бондаренко, Пятницкий, Абдураимов, Шкварин (80-минутдан Галиев), Кабаев.

Февраль ойида Фарғонада «Нефтяник» спорт клуби соврини учун мавсумолди анъанавий мусобақаси бўлиб ўтади. Давра усулида ўтказиладиган турнирда Душанбенинг «Помир», Тюменнинг «Геолог», Риганинг «Даугава», Тошкентнинг «Пахтакор» ва мезбонлар— «Нефтяник» футболчилари иштирок этадилар.

ХАЛҚ ҲАҚИҚАТНИ БИЛМОҒИ ЗАРУР

(Боши 1-бетда).

Комиссиямиз тузилгунга қадар Гдлян ва Иванов тўқиб чиқарган «пахта иши» ҳақидаги мақолаларни ўқиганимда бу терговчиларни сал бўлмаса қаҳрамонлар, «халқнинг жазоловчи қиличи», ҳақиқатни барқарор этиш, қонунчиликни мустаҳкамлаш учун курашувчилар деб ҳисоблардим. Лекин эндиликда, кўп нарсани кўзларим билан кўриб, қулоқларим билан эшитиб, бу шахслар кўпдан-кўп ножўя қилмишларга йўл қўйганликларига қаноат ҳосил этдим. Шундай хулосага келдимки, таъбир жоиз топилса, қўрқитиб олиш ёки ўзини кўрсатиш мақсадида ишлатилган уйдирмаларнинг, ёлғоняшиқнинг адоғи кўзга ташланмайди. Одамларнинг ор-номуси, ҳақ-ҳуқуқи посбонлигида турган қонунларимизнинг оддий қондалари ҳам оёқости қилинганлиги аниқ. Гдлян ва унинг шериклари Узбекистонда йўл қўйган бебошликларни қанақа миллионлар ниқоби остида кўрсатмоқчи бўлганликларини мамлакатга очиқ-ойдин айтамиз. Ушбу гуруҳ томонидан давлатга расмий равишда 20 миллион сўм пул ва қиймматбаҳо буюмлар топширилган. Гдлян эса 140 миллион сўм хусусида жар солганлигини ҳамма билади. Ана шу 20 миллиондан қанчасини экспертлар ўғирлаб олганликларини ва сўнгра улардан тортиб олганликларини, қанчаси эса тергов гуруҳининг безбетларча тақдиди остида қишлоқма-қишлоқ йиғилганлигини исботлаймиз. Бу пуллар гўё порахўрлар ва хазинаталарларга тегишли деб ҳисобланган, аслида эса меҳнаткаш халқнинг улуши бўлган. Одамларнинг ана шу топган-тутганлари қонунга хилоф тарзда тортиб олинган экан, уни эгаларига қайтариш шарт.

— Узбекистон халқига қайтариш керак демоқчисиз-да, шундай эмасми, Вениамин Александрович!

Ярин: Пок-халол ҳар бир меҳнаткаш ўз улушини қайтиб олмоғи зарур. Бунда мен оддий «айбланувчилар»ни, минг бир баҳона билан сўроққа чақирилганлар ва ҳибсга маҳкум этилганларни, ярамас «ишлов»дан ўтказилганларни, пул топиб беришга мажбур қилинганларни назарда тутмоқдаман. Қарангки, кишилар машаққатли меҳнат эвазига топган нарсаларини сотиб бўлса ҳам пул топиб берганлар, чунки кўнгилсизликдан, жабр-ланишдан қўрққанлар, ўз оилаларини терговчиларнинг ўзбошимчалигидан, қийноғидан сақлаб қолишга интилганлар.

Биз ҳали жуда кўп иш қилишимиз зарур ва бу ишни ниҳоясига етказишимиз шубҳасиз. Очиғини айтай — мен уятдаман. Назоратсизлик муҳитидан фойдаланиб бемаънигарчиликларга йўл қўйган терговчилар, прокурорлар, судьялар қилмишидан ураламан. Одамлар билан учрашганингда, уларнинг даҳшатга тўла ҳикояларини тинглаганингда кўзларингни бехосдан пастга қаратасан, суҳбатдошинг бетига қарашдан чўчийсан...

Струков: Бугун мен комил ишонч билан айтишим мумкинки, Гдлян гуруҳига кирган терговчилар содир этган жиддий қонунбузарликларнинг юздан бир қисмига ҳам бошқа жойларда, дейлик на Россияда, на Украинада, на Белоруссияда йўл қўйишмасди... Бу-нақа ўзбошимчалик бирор ерда тўсқинликка учрамай қолмасди.

— Бундай ғайриқонунийлик келиб-келиб Узбекистонда учига чиққанлигини қандай баҳолайсиз! Ўйлайманки, бу ҳодиса республиканинг жуғрофий жойлашиши ва иқлим шароитига мутлақо боғлиқ эмас.

Струков: Жуғрофиянинг ҳам, иқлимнинг ҳам бебошликка дахли йўқ. Халқнинг табиатини эса Гдлян ва Иванов ҳисобига олишган. Очиқ кўнгиллилик, меҳмоннавозлик, одамларга уларнинг тўғрилигига ишониш, сабр-тоқат, катталарга ҳурмат, қонунни муқаддас деб билиш — ўзбек халқининг ана шу ва бошқа ажойиб фазилатларидан терговчилар манфаатпарастлик мақсадларида фойдаланишган, шу тариқа, юқорида таъкидланганидек, Узбекистонни ғайриқонуний тергов ўтказиш усулларини синаш майдонига айлантиришган.

Касофатнинг негизи шундаки, Гдлян гуруҳи назоратсизлик вазиятида иш олиб борган. Узбекистон ССР прокурори бор эди, лекин қонунчиликка риоя этилишини қўриқлашда унинг овози эшитилмасди. Халқ назорати, ишчи назорати, партиявий назорат... Бунақаларнинг сон-саноғи йўқ, лекин назорат қилувчи бирор азамат топилмади. Гдлян ва унинг гуруҳи мавжуд эди, унинг тепасида эса ҳеч ким йўқ. Партия, совет, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза этувчи органларнинг ўша пайтдаги раҳбарлари қўлларини ювиб қўлтиққа урганларича кузатувчиликдан нари ўтмадилар, мазкур группа олдида таслимчилик йўлини тутдилар. Бунақаси қандай рўй берганлигини ҳали аниқлашимиз керак. Хуллас ўзаро деймизми, пастдан юқорига ёки юқоридан пастга деймизми — назоратнинг ҳамма тури барбод этилганлиги даҳшатли ҳол бўлди.

— Биласизми, Николай Алексеевич, бебошликнинг қарор топиши ва ҳукм суришида ўша йилларда прокуратура, Ички ишлар министрлиги тепасида турган раҳбарлар, масалан, Бутурлин, унинг ўринбосари Гайдонов, бошқа тонфадаги шахсларнинг айби оз эмас. Айтинг-чи, комиссия ана шуларнинг фаолиятини ҳам текширадими! Ахир бу амалдорлар гўё ҳеч қандай ҳодиса рўй бермагандек, бирор қилмишлиги қилмагандек бошқа республикаларда қонунчилик ҳимоясида турибди!

Струков: Комиссия аъзолари ва экспертлар Узбекистондаги барча ҳуқуқ-тартибот органлари — прокуратура, Давлат хавфсизлик комитети, Ички ишлар министрлиги, судлар, қамоқхоналар ва ҳоказолар фаолиятини тафтиш этмоқдалар. Чунки «пахта иши»ни текшириш жараёнида уларнинг ҳаммаси Гдлян гуруҳи билан бир тугундагидек боғлиқ эдилар. Лекин такрор айтаманки, бизнинг вазифамиз Узбекистонда рўй берган ҳодисани сиёсий баҳолашдан иборат. Бутурлин, Гайданов, Дидоренко сингари кўпгина қонунбузарлик ижодкорларининг қилмишлари СССР Конституциясига биноан тергов маҳкамалари томонидан текширилмоғи зарур. Айтиб қўяй: ишимиз жараёнида номлари юқорида келтирилган раҳбарлар фаолиятининг хира жиҳатларига кўзимиз тушса борми, уларни синчиклаб ўрганмоқдамиз, тегишли хулосалар чиқармоқдамиз. Якунловчи ҳужжатларнинг ҳаммаси қонунчиликнинг бузилиш ҳолларини текширувчи тергов бригадаси ихтиёрига топширилади. Бу хусуда Олий Советга ҳам ахборот берамиз.

— Демак, комиссия ачимунча далилларга эга экан-да!

Струков: Бор, бўлганда ҳам оз эмас. Булар одамларни қўлга олиш ва қамашда, вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида, қамоқхоналарда қонуннинг қўпол равишда оёқости қилинишидан иборат. Кишиларни уйларда «пинҳоний» сақлаш, меҳмонхоналарда қамаб қўйиш сингари қонунбузарлик ҳоллари ҳам бизга маълум. Тергов ўтказишнинг ман этилган усуллари, ашаддий каллакесарларни «хизмат»га жалб этиш, дўқ-пўписа, қўрқитиш, куч ишлатиш, яъни ҳолдан тойгунча дўппослаш, калтаклаш — буларнинг бари Гдлян гуруҳига хос зўравонликдир.

Районларнинг, областларнинг прокуроролари, юқорида айтганимдек, ҳатто республика прокурори Гдлян олдида қўлларини ўқракларига қўйганларича итоаткорлик қилдилар, ҳибсга олиш ҳақидаги ҳужжатга кўзларини юмганларича имзо чекдилар ва муҳр босдилар. Шубҳа остига олинганларни бирма-бир сўроқдан ўтказиш ҳеч кимнинг хаёлига келмади. Буларни даҳшатли ҳол дейиш мумкин. Республикада прокурор назорати Гдлян гуруҳининг оёғи остида топталди. Ҳа, худди шундай бўлди. Одамлар, уларнинг тақдири, бегуноҳлар фарзандларининг келажаги хусусида ўйлаш ҳеч кимни ташвишлантирмади. Баъзан жиноий ишларни виждонсизларча рўёбга чиқаришди.

— Сизлар, ҳурматли ўртоқлар, Тошкентга келганларингиздан сўнг У. Тожихонов, И. Позилхонов, О. Муҳаммадиев ва бошқалар билан юзма-юз учрашдингизлар. Улар Гдлян гуруҳига, Бутурлин ва Дидоренкога нисбатан озмунча норозиликлар билдиришмади. Мана сиз, Валерий Григорьевич, судьясиз. Айтинг-чи, Позилхонов иши билан танишгач ани қоралаб ҳукм чиқарган бўлармидингиз!

Александрин: Позилхоновга яккаю ягона айб—хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш айби қўйилганди. Менинг хулосам шуки, уни қора курсига ўтқазиш нари турсин, қатто айблов эълон қилишга асос бўлмаган. Бинобарин Бутурлин, Гайданов, Дидоренко тоифасидаги юристлар, шунингдек Бухоров каби терговчилар ва судьялар айблов ҳукмига имзо чекарканлар, бу ҳолатни мен тушунганимдан бошқача англашмаган. Ана шу, ишга нуқта қўйилибди — Позилхонов оқланибди. Таассуфки, қонунга хилоф тарзда судланганлар бир эмас, ўн эмас, юзлаб саналади.

— Ҳозиргача 2,5 мингдан зиёд киши оқланди. Ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза этувчи маҳкамаларнинг ҳодимларидан анчаси ғайриқонуний равишда жабр кўрди. А. Фозилов, Ф. Эминов, М. Жумаева, Ш. Рўзматов, М. Неъматуллаев, А. Абдурахмонов, М. Ҳайдаров, А. Кальсин, Зулфия ва Рустам Аҳмедовлар, Б. Мирахмедов, М. Жалолов, Г. Шоҳидаев, М. Мушрапилов... Бебошлик қурбонларининг руҳияти узундан узун. Маҳаллий ҳуқуқ-тартибот маҳкамаларида ишловчи кадрлар, менинг назаримда кўра-била туриб қиргинга учрадилар...

Александрин: Афсус ва яна афсус — милиция, прокуратура ва судловда ишловчи тажрибали, лекин айримларга ёқмайдиган ходимлардан қутулиш йўлини тутиш очиқ-ойдин кўринди турибди. Ишончим комилки, қонунбузарликда айбланганларнинг ҳаммаси қонун олдида жавоб бериш керак.

Эндиликда неча йиллаб қамоқ жабрини тортганлар оқланмоқдалар, улар кўрган моддий зарар ундириб берилмоқда. Лекин маънавий-руҳий изтироблар ўрнини ким тўлдира олади? Бундай қудратга ким ҳам эга бўлиши мумкин? Шахсан мен маънавий зиён ғайриқонуний ҳибсга олишлар, судлашлар, иш беришларга йўл қўйганлар ҳисобига тўлдирилиши керак деган фикрдаман. СССР Олий Советининг айрим комиссиялари ва комитетларида бу масала алақачон ўртага қўйилган, лекин у ҳозирча назарий асослаш босқичида турибди.

Ярин: Узбекистоннинг ўстига қонунбузарлик ёпирилиб келганлиги шубҳасиз, албатта. Барибир одамларингизга қойилман! Чеккан азоб-уқубатларини йиғлаб-сиқтаб гапириб берадилару, аммо ғайриқонуний равишда тортиб олинган пулларни қайтаришни эмас, КПСС сафларига тиклашни талаб этадилар. «Қанақа қилмишларимиз учун бизни партиядан ҳайдаб чиқаришди?» деб сўрашади жиноятга қўл урмаган деҳқонлар. Биз ўз саволларимиз билан уларнинг ярасини тирнаганлигимиз, даҳшатли ҳодисаларни эслатишга мажбур қилганлигимиз учун узр сўрадик. Ўйлайманки, юқорида мен баён этган муаммо хусусида чуқур ўйлаб қараш керак.

Гдлян халққа ўз нуқтаи назарини, бор ҳақиқатни етказиш имкониятига эга эмаслиги хусусида такрор-такрор гапирди. Мен матбуот чиқишларини махсусан ўйғиб бормоқдаман. Булар — Гдлян тарафдорларининг ва мухолифларининг мақолалари. Мухолифларга тегишлилари анчайин кам...

— Гдлян ва Иванов «ҳақиқат»ни бақириб-чақириб баён қилган сон-саноқсиз матбуот конференцияларини, кўпмингкишилик митингларни ҳисобга олганимизда...

Ярин: ...мамлакатнинг турли бурчакларида яшовчи ўн миллионлаб кишилар онгига таъсир кўрсатганликлари аён бўлади. Халқнинг паст даражадаги ҳуқуқий маданияти ҳар иккала терговчига мамлакатда руҳий вазиятни келтириб чиқармоқда, одамлар онгига мазкур группа ишлаган жойларда фақат порахўрлар ва ўғрилар яшайдилар, давлатнинг бошида турган раҳбарлар эса жиноятчиларни жавобгарликдан сақлаб қолишга уринмоқдалар, деган ғоя ўйдирмаларни бемалол сингдиришга олиб келмоқда.

Шу ўринда Гдлянга ва унинг тарафдорларига қарата «Хўш, мамлакатни кийинтираётганлар кимлар?» деган саволни бергим келади. Булар миллионлаб тонна пахта етиштираётганлар эмасми? Пахтаэрларда мункиллаб ишлаётганлар ўзбек деҳқонлари бўлмай кимлар, ахир? Ўзининг чинакам фидокорона меҳнати эвазига юқори мансабли маишатпарастлар томонидан таланган ва Гдлян гуруҳи исканжасида жабру жафо чеккан халқ ўзбеклар эмасми?

Гдлян тарафдорлари тўпланган жойларда сўзлаш биз учун оғир эди. Бор ҳақиқатни чин қалбдан баён этадиган бўлсанг бунинг тескарисини тушунишади. Чунки Гдлян кишиларни заҳарли бўҳтон таъсирида деярли сармаст этиб, ҳушсизлантириб қўйганди.

Одилов: Узоқни кўзловчи, роҳат бахш этувчи мақсадга эришиш ниятида Гдлян оммавий ахборот воситаларининг ҳамма турларидан — газеталар, журналлар, телевидение ва радиодан эмин-эркин фойдаланди. Ўз-ўзини мақташ, кўз-кўз қилиш унинг севган усуллари эди. «Узбеклар иши»ни ўйлаб топиш билан у республиканинг бутун халқи юзига тарсаки тортди.

Гдлян «адолат учун толмас курашчи» қабилидаги шуҳратга ошаддий ёлғончилик ва алдамчилик йўли билан эришди. Меъёрдан чиққан, масъулиятни унутган марказий матбуот эса далилларни текширмасдан шовқин-сурон кўтарди: Гдляннинг ҳаётига суиқасд қилинибди! (Гдлян чиққан самолётни ҳалокатга учратиш ниятида учиш-кўниш майдонига сим тортилганлигига доир латифанамо даъвони эсланг-а); Гдлян ва унга бўйсинувчи терговчилар ўқ ўтмас либосларда ажал билан юзма-юз келганларча қимматбаҳо бойликларни қўлга олиш даҳшатини бошларидан кечирадилар; Гдлян гуруҳи миллион-миллион сўмларни давлат хазинасига топширадилар-у, ўзлари оч-наҳор юрадилар — охирги бир сўм қолгач нима ҳам қилишсин бечоралар...

Буларнинг ҳаммаси — афсона! Ғирт ёлғон! Унинг ҳаётига суиқасд қилиш билан боғлиқ жиноий иш қўзғатилган эмас. Бинобарин, бундай ҳолнинг ўзи рўй бергани йўқ. Ўқ ўтмас либос ҳақидаги афсона ҳам кулгили. Ҳа, Гдлян гуруҳи Давлат хавфсизлиги комитетидан атиги бир марта ана шундай либослардан етти нафарини олганлиги аниқ; аммо уларни «ажал билан юзма-юз келинган операцияда» эмас, кинокамераларга рўбарў бўлганда ишлатишган. Қаранг-а, одамлар шу тариқа маҳлиё этилганлар, шундай йўллар билан сайловчиларнинг ишончу олқишлари қозонилган!

Ярин: Таъкидлаш керакки, кимму ким — айнан жамоатчиликнинг ўзи мазкур тергов гуруҳини танқид тиғидан муҳофаза этишга уринмоқда, унинг раҳбарлари оғзидан чиқадиган сафсатага ишонмоқда. Бундай ҳол хавфли, ниҳоятда хатарли! Ана шу жамоатчилик Гдлян ва Ивановга, уларнинг теварагидаги бошқа баъзи терговчиларга хаёлларига келган ёлғон-яшиқни гапираверишу, далилларни ўз фойдаларини кўзлаб бўябезаганча талқин этиш, баён қилиш ҳуқуқини берди. Жамоатчилик деганда мен аввало Гдлян ва Ивановнинг сайловчиларини назарда тутаман.

Бизнинг вазифамиз мураккаб, оғир, лекин шундай қилишимиз керакки, халқ бу масалага эҳтиросларни йўғиштириб қўйганича одилона ёндашсин. Гдлян ва Иванов сайловчиларининг илмоқли, ҳатто ифвогарона саволларига дуч келишимизни биламиз, шундай бўлса-да улар билан суҳбатлашишдан ҳайиқмаймиз, негаки айтадиган ҳаққоний гапларимиз бор. Ҳа, уларнинг ва бошқа кўпгина терговчиларнинг айбларини очиб берувчи исботларга эгамиз.

— Яхши биласиз, Вениамин Александрович, Гдлян гуруҳида Кунец, Шишелов, Абдиев, Карташьян, Литвак, Кимсанов каби терговчилар ишлангандилар. Жабрланганлар уларнинг шаънига норозилик изҳор қилиш билан чекланибгина қолмай, тергов олиб боришда ман этилган усулларни қўлланганлари учун тўғридан тўғри айблашган. Масалан, республика ички ишлар министрининг собиқ ўринбосари, милиция генерал-майори Отамурод Муҳаммадиев икки йилдан зиёдроқ вақт давомида қамоқда сақланган, кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган қийноқларга дучор этилган. Ҳозир у оқланиб чиқди. Қарангки, унинг қинчиларидан айримлари Гдлянга қарши томонга ўтиб олишди. Жавобгарликдан шу тариқа қутулиб қолиш ниятидами? Ана шулар билан учрашишга, тушунтириш хатларини олишга тўғри келдими!

Ярин: Бугун мен ҳибсга олинганларни, шубҳали ва шубҳасизлик ниқоби остида қамалганларни дўппослаган, қийнаган, ҳибсга тушганларнинг хотинлари, бола-чақалари, қариндошлари, дўстлари, кўни-кўшнилари ноҳақ азоблаган терговчиларнинг номларини бир-бир санамоқчи эмасман. Биз уларнинг сўзларини комиссия мажлисларида эшитганмиз, йўл қўйган расвогарчиликларини одамларнинг шиоятларидан, бетараф прокурор Мартинсон гуруҳи тайёрлаган ҳужжатлар асосида яхши биламиз. Ушбу ахборотнинг кичиккина бир қисми СССР халқ депутатлари иккинчи съездида баён этилди. Ҳозир бундай дейишим мумкин: кўпгина терговчилар совет тергов услубига, совет ҳуқуқий тергов ва суд ишларига ва ҳоказоларга ёт бўлган, ҳибсга олинганлар ва уларнинг яқинларини ҳақоратлаш, ҳаёсизлик, ҳаддидан ошиб кетиш, ҳатто ифвогарона саволлар бериш